2017 йил 4 декабрь, душанба

# Тошкент оқшоми

Газета 1966 йил 1 июлдан чиқа бошлаган

ШАҲАР ИЖТИМОИЙ-СИЁСИЙ КУНДАЛИК ГАЗЕТАСИ

№ 241 (13.574)

Баҳоси эркин нархда

## МАҚСАДИМ – ҲАР ЙИЛИ ЎЗБЕКИСТОН ПРЕЗИДЕНТИ ФАОЛИЯТИГА БАҒИШЛАНГАН АСАР ЁЗИШ

***Бу галги давлат ташрифи таассуротларга бой бўлди. Ташриф якунида Жанубий Корея Миллий музейида икки давлат раҳбарлари Шавкат Мирзиёев ва Мун Чжэ Ин қучоқлашиб, бир-бирига “brother” (ака) деб мурожаат қилишди. Бундай қадрдонликни кузатган корейс халқи Ўзбекистон ва Жанубий Корея “оға-ини” давлатлар эканига амин бўлди.***

Оға-иниларнинг ҳар иккиси ҳам фаровон ҳаёт кечириши керак. Кореяда қадимдан авлоддан-авлодга ўтиб келаётган бир ривоят бор. Унда ака-ука биргаликда экин экиб, меҳнат қилиб, ҳосил йиғиш мавсуми келганда укаси “акажон, сиз ҳосилдан кўпроқ олинг” деса, акаси “йўқ, ука, сен кўпроқ олишинг керак”, деб ғамхўрлик кўрсатгани ҳақида ҳикоя қилинади. Худди шу каби оға-инидай бўлиб қолган икки мамлакат ҳам бир-бирига ғамхўр бўлиб, тотувликда яхши яшаши керак, дегувчилар кўпчиликни ташкил этмоқда. Мен ҳам худди шу фикрдаман. Жанубий Корея иқтисодиёти ҳозирги куч-қудратга тўлган пайтда ҳукуматимизнинг ҳам, хусусий компанияларнинг ҳам Ўзбекистонга янада кўпроқ рағбат кўрсатишига тилакдошман.

Президент Шавкат Мирзиёев жаноблари ҳақидаги асар муаллифи эканимдан жуда фахрланаман. Жаноб Президент ва у кишининг рафиқаси ҳақида бутун корейс халқи ижобий фикрда экани боис каминага ҳам ҳар томондан мақтовлар ёғилмоқда. АҚШда яшайдиган бир дўстим китобни кўриб, Америкадаги ватандошларимиз ҳам Президент Шавкат Мирзиёев жанобларини самимий сўзлар билан тилга олишини айтди. Ўзбекистон раҳбарининг сентябрь ойида Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Бош Ассамблеясининг 72-сессиясида сўзлаган нутқи ҳамда Жанубий Кореяга давлат ташрифидан сўнг у кишига бўлган ҳурмат ва эътибор янада ошди, дейди танишим.

Бу каби ижобий фикрларни Хитойнинг Шанхай шаҳрида таълим олаётган ўғлимдан ҳам кўп эшитдим. Президент Шавкат Мирзиёев жаноблари сабаб нафақат ўзбекистонлик талабалар, балки бутун Марказий Осиёдан келиб ўқиётган ёшлар билан ҳам яқин дўст бўлиб қолдик, дейди у. Германиялик профессор ҳубе (корейс тилида ўзидан кичикка шундай мурожаат қилинади) дўстим дунё сиёсат майдонига кириб келган буюк етакчи ҳақида китоб ёзган сонбе (корейс тилида ўзидан каттага шундай мурожаат қилинади) дўстим билан фахрланиб кетяпман, деганида асар муаллифи сифатида қувончим ичимга сиғмади.

### Ўзбекистон ҳақидаги таассуротларим

Китобимнинг кириш қисмида шундай сўзлар бор: “Ислом Каримов мачити ёнидаги автобус бекатидан ҳаракатланадиган 93-автобус Тошкент темир йўл вокзалигача қатнайди. 22-автобус эса Жанубий кореяликларнинг Ўзбекистондаги уюшмаси олдидан айланиб Тошкент темир йўл вокзалига боради. 93-автобус катта автомобиль йўлидан ҳаракатланса, 22-автобусни биздаги маил автобуси (Кореянинг аҳоли зич жойлашган ҳудудлари бўйлаб ҳаракатланадиган кичик ҳажмли автобуслар) деб тушунса бўлади.

Тошкентда яшаган кезларим тез-тез шаҳар автобусларида қатнадим. Биринчидан, ўзим яшаётган заминнинг одами бўлишни хоҳлардим. Иккинчидан, маҳаллий аҳолининг кундалик ҳаёти билан танишиш мен учун жуда қизиқарли эди. Ва ниҳоят, учинчи сабаб – автобусда менга жой бўшатиб беришганда ғоят мамнун бўлиб кетардим.

40 ёшимда сочим оқарган. Шунинг “шарофати” биланми, ҳақиқий ёшимдан ўн-ўн икки ёшга улуғроқ кўринаман. Жой бўшатиб беришганда эътирозсиз қабул қилганим менинг томонимдан бироз андишасизлик, албатта. Аммо завқи бошқача эди-да. Қачонлардир йўқотиб қўйган бир бўлагим шу ерда эди. Буни билган одамгина тушунади. Ёшлик йилларида сайрда тушган суратингизга анча вақт ўтгандан кейин қараганингизда туядиган, қалбингизнинг ич-ичигача етиб борадиган шодлик.

Катталарга ҳурмат бу халқнинг қон-қонига сингиб кетган. Болажонлиги ҳам шундай. Чақалоғини қўлига кўтариб автобусга чиққан аёлга ёши саксонга бориб қолган чол ҳам жой беради. Қўлингизда харид халталари бўлса, ўтирган одамларнинг бири қўлингиздан олади. Ҳатто ўқувчи қизалоқларнинг кичкина китоб сумкалари ҳам эътибордан четда қолмайди.

Автобус ойнасидан эрта куз қуёши кўзни қамаштирмоқда. Қуёш нурлари остида зангорланиб сердарахт кўчалар кўринади. Дарахтлар атрофида кўчани супуриб-сидираётган одамлар. Шу пайт бир ватандошимизнинг Ўзбекистонга саёҳати ҳақида ўз интернет саҳифасида қолдирган саёз бир гапи эсимга тушиб, кайфиятим бузилади: “У ерда энг кўп учратган икки гуруҳ одамларимдан бири кўчаларни саришталаётган одамлар бўлса, иккинчиси милиция ходимлари эди”.

Озодалик ва тозалик бу инсонларнинг ҳаёт тарзига айланган. Бўш вақти бўлди дегунча уйининг атрофини, кўчани супуради, озода қилади. Кўзга тушадиган бирор-бир ғубор йўқ.

### Китобни ёзишда яқиндан ёрдам кўрсатган Ўзбекистон аҳли

“Мен кореялик ёзувчиман, Президент Шавкат Мирзиёев жаноблари ноябрь ойида ватанимизга давлат ташрифи билан бориши режалаштирилган, бу инсон ҳақида китоб ёзмоқчиман”, деганимда жуда кўп инсонлар менга яқиндан ёрдам берди. Улар билан қилган суҳбатларимнинг аксарияти китобга кирган. Улар Президент жанобларининг мамлакатни ислоҳ қилиш сиёсатини самимий баҳолаб, Ўзбекистон тез орада жаҳоннинг ривожланган давлатлари қаторига киришига ишонадиган, ифтихор билан тўлиб-тошаётган инсонлар эди.



Яна бир миннатдорлигимни билдирмоқчи бўлган инсон “Uz Kor Economy” газетасининг Тошкентдаги ходими Нодира Азизовадир. Тошкент давлат шарқшунослик институти қошидаги академик лицейда корейс филологиясини ўрганиб, мазкур олий ўқув юртининг иқтисодиёт йўналишида таҳсил олган Нодира ТОПИК (Корейс тили даражасини аниқловчи халқаро имтиҳон) имтиҳонида энг юқори 6-даражага эга мутахассисдир. У интервью олишга, кўплаб материалларни ўзбек ва рус тилларидан таржима қилишга катта ёрдам берди.

### Келгуси режаларим

Олдимга қўйган иккита катта мақсадим бор. Шундан бири ҳар йили Президент Шавкат Мирзиёев жанобларининг давлат раҳбари сифатидаги фаолиятига бағишланган асар нашр этиб бориш. Бу инсоннинг серқирра фаолиятини қанча таҳлил қилсанг кам. Китобимнинг Қирғизистон билан чегара муаммосининг ҳал этилишига бағишланган қисмида 2017 йил жаҳондаги тинчликка ҳисса қўшгани учун Нобель мукофотининг ҳақиқий совриндорлари сифатида Ўзбекистон ва Қирғизистон Президентларини тушунишимни алоҳида таъкидлаб ўтганман. Шунингдек, Шавкат Мирзиёев Қирғизистон билан чегара муаммосини ҳал этиш баробарида Тошкент ва Душанбе шаҳарларини боғлайдиган ҳаво йўлини қайта йўлга қўйган, Туркманистон билан ҳамкорликни янги босқичга кўтарган инсондир. Менинг фикримча, айнан шундай инсон халқаро ҳамжамиятнинг юксак эътирофи ва жаҳондаги тинчликка қўшган ҳиссаси учун Нобель мукофоти совриндори бўлишга муносиб. Шу боис, Президент жанобларининг фаолиятига бағишланган таҳлилий асарларни ҳар йили нашр этиб, эришилаётган ютуқларни халқаро ҳамжамиятга кенг ёйишдек улкан мақсадим бор. Айниқса, давлат ташрифидан сўнг Европа давлатлари, АҚШ ва Хитойдан бу инсон ҳақида ижобий фикрларни эшитишга муваффақ бўлиб, мақсадим янада қатъийлашди.




Яна бир мақсадим – икки мамлакат маданий алмашинувига ҳисса қўшишдир. Мен ҳам ёзувчи, ҳам журналист, ҳамноширман. 2005-2016 йилларда кўплаб халқаро китоб кўргазмаларида мухбир сифатида иштирок этиб, Корея ярим ороли иккига бўлиниб кетгандан буён биринчи марта 2005 йили Пхеньянда бўлиб ўтган Жанубий ва Шимолий Корея ёзувчилари кўрик-танловида мухбирлик қилиш билан бирга, Осиё ва Африка ёзувчиларининг кенг миқёсдаги тадбирларида ҳам қатнашдим. Шунингдек, сўнгги 4 йил давомида дунёдаги китоб ва нашрларга бағишланган биринчи 24 соатлик кабель телевидениеси раҳбари сифатида ишладим. Бу фаолиятим орқали Жанубий Корея ва жаҳоннинг бир неча мамлакати ўртасида нашриёт соҳасида тажриба алмашинувига яқиндан ёрдам кўрсатиб, янги-янги нашриёт маҳсулотларини ёритиб, Жанубий Кореядаги китобхонлик маданиятини жонлантиришга ўз ҳиссамни қўшдим. Бунинг натижаси ўлароқ, 2014 йилда нашриёт соҳасини ривожлантириш борасидаги хизматларим учун Корея Республикаси Бош вазири томонидан мукофот билан тақдирландим.

Китобда айтиб ўтганимдек, Шавкат Мирзиёев Президентлик лавозимига киришганидан бир ой ўтиб, 2017 йил 12 январь куни “Китоб маҳсулотларини чоп этиш ва тарқатиш тизимини ривожлантириш, китоб мутолааси ва китобхонлик маданиятини ошириш ҳамда тарғибот қилиш бўйича комиссия тузиш тўғрисида”ги фармойиши эълон қилинди. Шунингдек, Президент жаноблари мамлакат вилоятларига ҳар ташрифи давомида кутубхона қурилиши режалаштирилган жойларга ҳам шахсан боради, “китобни яхши кўрган халқ Ватанни ҳам қадрлайди”, деб таъкидлайди. Шулар қаторида ўзбек халқининг машҳур шоири Абдулла Орипов ёдгорлик мажмуасини барпо этиш тўғрисида берган кўрсатмаларидан ҳам бу инсоннинг маънавий дунёси нақадар бойлигига амин бўлдим. Нафақат иқтисодий, балки маданий-маърифий жиҳатдан ҳам қудратли давлат барпо этиш йўлида кўплаб ишларни амалга ошираётган Президент Шавкат Мирзиёев жанобларига бўлган ҳурматим китобни қадрлайдиган давлат раҳбари сифатидаги жиҳатларида янада ортиб бормоқда.

**Чо Чоль ЧЁН,**
**Жанубий Кореяда корейс тилида нашр этилган “Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев” номли китоб муаллифи, “Uz Kor media group” компанияси муҳаррири**
**ЎзА**

---

**24 декабрь – Тошкент шаҳар халқ депутатлари туман Кенгашларига сайлов куни**

**Тошкент шаҳар халқ депутатлари туман Кенгашларига сайловолди ташвиқоти давом этмоқда.**

**ТАДБИРКОРЛАР ВА ИШБИЛАРМОНЛАР ҲАРАКАТИ – ЎЗБЕКИСТОН ЛИБЕРАЛ-ДЕМОКРАТИК ПАРТИЯСИнинг Тошкент шаҳрида маҳаллий вакиллик органларига 2017 йил бўлиб ўтадиган сайловлардаги иштирокига оид мақсад ва вазифалари билан газетамизнинг 3-саҳифасида танишасиз.**

---

## XXI аср садоси

Барча манбалардан олинган сўнгги хабарлар

### МАМЛАКАТИМИЗДА

**• Бағдод педагогика коллежида Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганининг 25 йиллигига бағишлаб ўтказилган тадбирда инсон ҳуқуқ ва манфаатларини таъминлаш, тинчлик-осойишталик, миллатлараро тотувлик ва меҳр-оқибат муҳитини мустаҳкамлаш, иқтисодиётимизни барқарор ривожлантириш ва аҳоли фаровонлигини юксалтириш борасида амалга оширилаётган ислоҳотлар самарадорлигини оширишда Бош қомусимиз муҳим ҳуқуқий асос бўлиб хизмат қилаётгани таъкидланди.**

**• Самарқандда Зулфия номидаги Давлат мукофотига номзодлар танловининг вилоят босқичи бўлиб ўтди. Унда танловнинг қуйи босқичларида ғолибликни эгаллаган 100 дан ортиқ қиз иштирок этди.**

**• “Нафосат – 2017” кўрик-танловининг Навоий вилояти босқичи бўлиб ўтди. Вилоят хотин-қизлар қўмитаси ташаббуси билан ташкил этилган танловда 15 нафар чевар миллийлик ва замонавийлик уйғунлигидаги либосларни намойиш этди.**

**• Сурхондарё вилояти Термиз тумани прокуратураси, туман ҳокимлиги ва туман ички ишлар бўлими ҳамкорлигида муқаддам судланган ишсиз фуқаролар, жазони ижро этиш муассасаларидан қайтган шахслар ва бошқа иш билан банд бўлмаган аҳоли учун меҳнат ярмаркаси ташкил этилди. Унда тумандаги 38 корхона, ташкилот ва муассаса 377 бўш иш ўрни билан иштирок этди ва юздан ортиқ одам ўзи хоҳлаган иш билан таъминланди.**

### ЖАҲОНДА

**• АҚШнинг NASA космик агентлиги Марс сайёрасига парвозни амалга ошириб, бу ерда ҳаракатлана олган MARS-202 номли янги аппаратни намойиш этди. Режага кўра, мазкур космик кема 2020 йилнинг июль-август ойларида Қизил сайёрага парвози амалга ошиб, то 2021 йилнинг февраль ойига қадар Марсда илмий-тадқиқот ишларини амалга ошириши мумкин.**

**• Ўрта Ер денгизида африкалик муҳожирларга акулалар ҳужум қилиши оқибатида 31 киши ҳалок бўлди ва 40 киши бедарак йўқолди. Мазкур нохуш ҳолат Ливия қирғоқларидан узоқ бўлмаган ҳудудда юз берган. Маълум бўлишича, Сомали, Гана, Нигерия ва эфиопиялик 200 нафардан ортиқ муҳожир Ўрта Ер денгизини икки қайиқда кечиб ўтиб, Италияга бораётганди. Лекин қайиқлардан бири чўка бошлаган, шу вақтда акулалар пайдо бўлган. Иккинчи қайиқдаги 140 киши Триполидаги ҳарбий базага қайтарилган.**

**• Францияда ги Агут кимошди савдо уйида 5 метр 40 сантиметрлик улкан мамонт суяклари савдога қўйилди. Ушбу ноёб мамонт қолдиқларининг 450-490 минг еврога сотилиши кўзда тутилмоқда.**

---

*Ўзбекистон Республикаси Президентининг*
*ФАРМОНИ*

## НОГИРОНЛИГИ БЎЛГАН ШАХСЛАРНИ ДАВЛАТ ТОМОНИДАН ҚЎЛЛАБ-ҚУВВАТЛАШ ТИЗИМИНИ ТУБДАН ТАКОМИЛЛАШТИРИШ ЧОРА-ТАДБИРЛАРИ ТЎҒРИСИДА

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 1 августдаги Ф-5006-сон фармойиши билан ташкил этилган Ногиронлиги бўлган шахсларни давлат томонидан қўллаб-қувватлаш тизимини тубдан такомиллаштиришга қаратилган таклифларни тайёрлаш бўйича комиссия томонидан ногиронликни барвақт аниқлаш ва олдини олиш, ногиронлиги бўлган шахсларга тиббий-ижтимоий ёрдам кўрсатиш, уларни касбга ўқитиш ва ишга жойлаштириш соҳасидаги ишларнинг аҳволи комплекс ва чуқур ўрганилди.

Мазкур жараёнда аҳолининг кенг қатламлари, нодавлат нотижорат ташкилотлари ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтлари, шунингдек, халқаро ва хорижий ташкилотлар ваколатхоналари юқори фаоллик ва дахлдорлик ҳиссини намоён қилдилар.

Ўтказилган комплекс ўрганиш, аҳоли билан очиқ ва тўғридан-тўғри мулоқот якунлари бартараф этиш юзасидан таъсирчан чораларни тезкор кўришни талаб этувчи қатор тизимли камчиликлар ва муаммоларни аниқлаш имконини берди.

Ҳамкорликдаги саъй-ҳаракатлар билан ногиронлиги бўлган шахсларнинг турмуш даражаси ва сифатини янада яхшилаш, уларга тиббий-ижтимоий ёрдам кўрсатиш, бундай шахсларнинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини рўёбга чиқаришга, жамиятдаги фаол позициясини шакллантиришга кўмаклашиш юзасидан аниқ таклифлар ишлаб чиқилди.

Мазкур таклифларни самарали амалга ошириш мақсадида, шунингдек, 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясида белгиланган вазифаларга мувофиқ:

*(Давоми 2-бетда)*

---

**8 декабрь – Ўзбекистон Республикаси Конституцияси куни**

## ҚОМУСИМИЗ – ФАХРИМИЗ

***Тошкент ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаш муҳандислари институтида “Қомусимиз – фахримиз” мавзуида маънавий-маърифий тадбир бўлиб ўтди.***

Институт ректори Ў.Умурзоқов, Ўзбек Миллий академик драма театри директори Ф.Маъсудов ва бошқалар Конституциямизда инсон ҳуқуқлари ҳар томонлама кафолатланганини ҳар бир соҳада ривожланишни таъминлашга хизмат қилаётганини таъкидлади.

Президентимизнинг 2017 йил 20 июндаги “Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганининг йигирма беш йиллигини нишонлашга тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги фармойиши ижроси доирасида ташкил этилган учрашув ёшларнинг ўз ҳуқуқи, эркинлиги ва бурчларини билиши, сиёсий маданиятини юксалтиришга хизмат қилиши қайд этилди.

Конституциямизнинг мазмун-моҳияти, ҳуқуқий демократик давлат, кучли фуқаролик жамияти барпо этиш борасида амалга оширилаётган ишлар ҳақида маълумот берилди. Талабаларнинг инсон ҳуқуқлари, бурчлари, сиёсий жараёнлар, қабул қилинаётган қарор ва фармонлар, яратилаётган имкониятлар юзасидан берган саволларига жавоб қайтарилди.

**Б.МЕЛИҚУЛОВА**

virtual.vto@umail.uz,
gazeta-vto@umail.uz
№ 241 (04.12.17)

*Ўзбекистон Республикаси Президентининг*
*ФАРМОНИ*

# НОГИРОНЛИГИ БЎЛГАН ШАХСЛАРНИ ДАВЛАТ ТОМОНИДАН ҚЎЛЛАБ-ҚУВВАТЛАШ ТИЗИМИНИ ТУБДАН ТАКОМИЛЛАШТИРИШ ЧОРА-ТАДБИРЛАРИ ТЎҒРИСИДА

*(Давоми. Боши 1-бетда)*

1. Аҳоли билан ўтказилган очиқ ва тўғридан-тўғри мулоқот якунлари ҳамда манфаатдор вазирлик ва идораларнинг фикр-мулоҳазаларини инобатга олиб:

Ўзбекистон Республикасининг "Ногиронлиги бўлган шахсларнинг ҳуқуқлари тўғрисида"ги Қонуни лойиҳасини ишлаб чиқиш;

БМТнинг Ногиронлар ҳуқуқлари тўғрисидаги конвенциясини ратификация қилишга тайёргарлик бўйича амалий чоралар кўриш ҳақидаги таклифлар қабул қилинсин.

2. Қуйидагилар ногиронлиги бўлган шахсларни давлат томонидан қўллаб-қувватлаш тизимини янада такомиллаштиришнинг асосий йўналишлари этиб ҳисоблансин:

ногиронлик белгиси бўйича камситишга йўл қўймаслик, ногиронлиги бўлган шахсларнинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини рўёбга чиқаришда тенг шароитларни ва уларни бузганлик учун жавобгарликнинг муқаррарлигини таъминлаш;

ногиронлиги бўлган шахслар ҳуқуқларини таъминлаш соҳасидаги умумэътироф этилган халқаро норма ва стандартларни миллий қонунчиликка имплементация қилиш;

тиббий-меҳнат экспертизаси ва ногиронликни белгилашнинг шаффоф, замонавий услуб ва мезонларини жорий этиш, ногиронлиги бўлган шахсларга тиббий-ижтимоий ёрдам кўрсатиш даражаси ва сифатини, шу жумладан диагностика, даволаш ва реабилитациянинг замонавий услубларини қўллаган ҳолда юқори технологияли ихтисослаштирилган тиббий ва ижтимоий ёрдамдан фойдаланиш имкониятини кенгайтириш орқали ошириш;

ногиронлиги бўлган шахсларни ўз вақтида ҳисобга олишнинг самарали механизмларини яратиш, ногиронликнинг белгилари пайдо бўлган вақтдан бошлаб уларни кузатиб бориш ва қўллаб-қувватлашнинг, шу жумладан замонавий ахборот-коммуникация технологияларидан фойдаланган ҳолда ногиронлиги бўлган шахсларнинг ижтимоий аҳволини таъсирчан мониторинг қилиш, уларнинг турмуш шароитларини ҳар томонлама баҳолаш, индивидуал ривожланиш дастурларини ишлаб чиқиш ва амалга ошириш, шунингдек, ўз вақтида зарур тиббий-ижтимоий ёрдам кўрсатиш имконини берувчи ягона комплекс тизимини жорий этиш;

тиббий ёрдам даражаси ва сифатини ошириш, касалликларни барвақт аниқлаш ҳамда туғма нуқсонлар ва ирсий касалликлар ўсишининг сабаб ва шарт-шароитларини барвақт аниқлаш ва олдини олишни ҳам назарда тутувчи профилактика тадбирларини кенгайтириш бўйича скрининг текширувларининг самарадорлигини кўтариш;

ногиронлиги бўлган шахсларнинг манзилли ижтимоий муҳофазасини кучайтириш, уларнинг уй-жой-маиший ва бошқа яшаш шароитларини яхшилашга қаратилган тиббий-ижтимоий хизмат ва моддий ёрдамни кенгайтириш, уларни тиббий-ижтимоий реабилитация қилиш, шу жумладан сифатли ёрдамчи ва техник реабилитация воситалари билан таъминлаш бўйича чора-тадбирларнинг самарадорлигини ошириш;

ногиронлиги бўлган шахсларнинг оиласи, жамият ва давлат билан ўзаро алоқасини кучайтириш, уларнинг қулай муҳитда бўлиши, шаҳар йўловчи транспорти, ижтимоий ва бошқа инфратузилма объектларидан эркин фойдаланиши учун зарур шароитлар яратиш;

ногиронлиги бўлган шахсларнинг жамият ижтимоий-иқтисодий ҳаётига жалб қилиниши ва фаол иштирокини таъминловчи инклюзив таълим ва ишга жойлаштириш тизимини такомиллаштириш;

ногиронликни белгилаш ва тиббий-ижтимоий ёрдам кўрсатиш соҳасида ваколатли давлат органлари фаолиятининг очиқлиги ва шаффофлигини таъминлаш, тартиб-таомиллардан ўтишни соддалаштириш, ногиронлиги бўлган шахсларга тиббий-ижтимоий ёрдам кўрсатиш ва уларни ижтимоий реабилитация қилиш соҳасида давлат-хусусий ва ижтимоий шерикликни ривожлантириш;

тиббий-ижтимоий муассасаларнинг моддий-техника базасини мустаҳкамлаш, "Мурувват" ва "Саховат" интернат-уйларида васийликка олинганларнинг турмуш сифатини яхшилашга қаратилган тиббий-ижтимоий ёрдам кўрсатиш тизимини ривожлантириш, уларнинг реабилитацияси ва ижтимоийлашуви самарадорлигини ошириш;

протез-ортопедия буюмлари ва техник реабилитация воситаларини ишлаб чиқарувчи корхоналарни, шу жумладан чет эл инвестициялари ва кредитларини жалб этган ҳолда модернизация қилиш, техник ва технологик янгилаш, уларни ишлаб чиқаришнинг замонавий стандартларини жорий қилиш;

замонавий тиббиёт ва илм-фаннинг илғор ютуқлари, диагностика, даволаш ва реабилитациянинг сифат стандартлари асосида юқори малакали мутахассисларни тайёрлаш тизимини такомиллаштириш, соғломлаштириш хусусиятидаги чора-тадбирларни яхшилаш, соғлом ва фаол турмуш тарзини олиб бориш маданиятини тарғиб қилиш;

ногиронлиги бўлган шахсларни давлат томонидан қўллаб-қувватлаш соҳасидаги, шу жумладан ногиронликни белгилашнинг самарали мезонларини қўллашга қаратилган илмий тадқиқотларни фаоллаштириш.

3. Ногиронлиги бўлган шахсларни қўллаб-қувватлаш тизимини янада такомиллаштириш ҳамда уларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилиш кафолатларини кучайтириш бўйича комплекс чора-тадбирлар дастури (кейинги ўринларда Дастур деб юритилади) иловага мувофиқ тасдиқлансин.

4. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси қуйидагиларни таъминлаш чораларини кўрсин:

ногиронлиги бўлган шахслар, шу жумладан катта ёшдагиларнинг саводхонлигини ошириш мақсадида вилоятлар, туманлар марказларида умумтаълим мактаблари негизида имо-ишора тили ва Брайль алифбосини ўргатиш бўйича ушбу соҳадаги мутахассисларни жалб қилган ҳолда махсус курсларни ташкил этиш;

тегишли материалларни нашр қилишни рағбатлантириш, муҳим соҳаларда аудио китоблар яратиш ва уларни жорий этишни назарда тутган ҳолда имо-ишора тили ва Брайль алифбосини қўллаш имкониятларини кенгайтириш;

кўриш аъзолари заиф шахсларга овоз эшиттириш имконини яратиш мақсадида турли хилдаги дастурий таъминотларга давлат тилида махсус дастурлар, шу жумладан компьютер операцион тизимлари яратиш, уларни ушбу шахслар ўқиётган ва ишлаётган таълим муассасалари ва бошқа ташкилотларда кейинчалик эркин тарқатиш, ўрнатиш, шунингдек, мазкур дастурларни яратиш учун салоҳиятли ҳомийлар топиш;

давлат органлари ва ташкилотларнинг расмий веб-сайтларида ногиронлиги бўлган шахслар учун жойлаштирилган маълумотлар билан эркин танишиш ва хизматлардан фойдаланишга оид қўшимча имкониятлар жорий этиш;

ногиронлиги бўлган шахсларга қулайлик яратиш учун жамоат транспортини пандуслар, алоҳида жойлар билан, бекатлар ва маршрутларни эшиттирувчи, электрон маълумотлар таблолари каби махсус воситалар билан жиҳозлаш, улардан эркин фойдаланишни босқичма-босқич таъминлаш бўйича жойларда ногиронлиги бўлган шахсларнинг ижтимоий ҳимояси ва мослашуви самарадорлигини оширишга оид чора-тадбирларни кўриш.

5. Белгилансинки, 2018 йил 1 мартдан ногиронлиги бўлган шахсларга мослаштирилмаган шаҳар йўловчи транспорти воситаларини сотиб олиш тақиқланади.

Ички ишлар вазирлиги, Соғлиқни сақлаш вазирлиги, Ўзбекистон автомобиль ва дарё транспорти агентлиги "Ўзавтосаноат" АЖ ва Мудофаага кўмаклашувчи "Ватанпарвар" ташкилоти билан биргаликда икки ой муддатда:

автомототранспорт воситалари ҳайдовчилари – ногиронлиги бўлган шахсларни тайёрлаш ва қайта тайёрлашни ташкил этиш;

маҳаллий ишлаб чиқарилган енгил автомобилларни ногиронлиги бўлган шахсларга мослаштириш учун махсус мосламалар билан қайта жиҳозлашни таъминлаш бўйича таклифлар киритсин.

6. 2018/2019 ўқув йилидан бошлаб олий таълим муассасаларига абитуриентларни қабул қилишнинг умумий сонидан ногиронлиги бўлган шахслар учун қўшимча равишда икки фоизли квота ажратиш тартиби жорий этилсин.

Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги Иқтисодиёт вазирлиги ҳамда бошқа манфаатдор идоралар билан биргаликда 2018 йилнинг 1 апрелига қадар олий таълим муассасаларига ногиронлиги бўлган шахсларни квота асосида ўқишга қабул қилиш тартиби тўғрисидаги низом лойиҳасини Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига киритсин.

7. 2018 йил 1 январдан бошлаб фаолият кўрсатиш тури ва уни амалга ошириш жойидан қатъи назар, I ва II гуруҳ ногиронлиги бўлган шахс ҳисобланган якка тартибдаги тадбиркорлар учун бир ойда энг кам иш ҳақининг 50 фоизи миқдорида, якка тартибдаги тадбиркор томонидан I ва II гуруҳ ногиронлиги бўлган шахслар ҳисобидан ишга ёлланган ҳар бир ишчи учун – бир ойда энг кам иш ҳақининг 15 фоизи миқдорида қатъий белгиланган солиқ ставкаси ўрнатилсин.

8. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси Ўзбекистон Республикасида Маъмурий ислоҳотлар концепцияси доирасида Соғлиқни сақлаш вазирлиги, Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги, Халқ таълими вазирлиги ҳамда бошқа ваколатли идораларнинг фаолиятини қуйидагиларга қаратилган таклифлар тайёрлаш билан бирга қайта кўриб чиқишни таъминласин:

Соғлиқни сақлаш вазирлиги ҳузурида кексалар, ногиронлиги бўлган шахслар ва аҳолининг бошқа ижтимоий эҳтиёжманд тоифаларини ижтимоий муҳофаза қилишга, шу жумладан уларни тўлиқ ва комплекс кузатган ҳолда кўрсатилаётган хизматларни мувофиқлаштиришга масъул бўлган ихтисослаштирилган идора ташкил этиш;

ихтисослаштирилган идора негизида ногиронликни белгилашни тўлиқ қамраб олувчи ягона тизимни ташкил этиш;

тегишли ҳужжатларни расмийлаштирган шахсларнинг ногиронликка мувофиқлигини текшириш тартибини жорий этиш;

амалга оширилаётган ислоҳотлар талабларига жавоб бермайдиган самарасиз тузилмаларни тугатиб, тегишли штат бирликларини янги ташкил этилаётган ихтисослаштирилган идорага ўтказиш.

9. Ногиронлиги бўлган шахсларнинг аҳволини яхшилаш, тиббий-ижтимоий ёрдам ва реабилитация сифатини ошириш, протез-ортопедия буюмлари ва техник реабилитация воситалари ишлаб чиқаришни модернизация қилиш ва технологик янгилаш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги ҳузурида Ногиронлиги бўлган шахсларни қўллаб-қувватлаш жамғармаси (кейинги ўринларда Жамғарма деб юритилади) ташкил этилсин.

Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги Молия вазирлиги билан биргаликда икки ой муддатда Жамғармани, шу жумладан ногиронлиги бўлган шахслар ҳуқуқларини бузганлик учун қўлланиладиган жарималардан тушган маблағларнинг бир қисми ҳисобига шакллантиришни назарда тутган ҳолда, унинг фаолиятини ташкил этиш бўйича қарор лойиҳасини ишлаб чиқсин ҳамда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига тасдиқлаш учун киритсин.

10. 2018 йил 1 июндан бошлаб, ногиронлиги бўлган шахслар, тайинланган пул тўловларининг турлари ва миқдори, ажратилган техник реабилитация воситалари, протез-ортопедия буюмлари ва дори воситалари, кўрсатилган ижтимоий хизматлар ва берилган имтиёзлар тўғрисидаги комплекс маълумотларни ўз ичига олган, шунингдек, мазкур соҳадаги ишларнинг ҳолати ҳақидаги маълумотларни тезкор олиш, давлат органлари ўртасида маълумотлар алмашинувини амалга ошириш, бюджет маблағлари мақсадсиз сарфланиши ва суиистеъмолчилик ҳолатларининг олдини олиш имконини берувчи ногиронлиги бўлган шахсларнинг ягона электрон реестридан фойдаланиш амалиётга татбиқ этилсин.

11. Давлат архитектура ва қурилиш қўмитаси, Ер ресурслари, геодезия, картография ва давлат кадастри давлат қўмитаси, Автомобиль йўллари давлат қўмитаси, Ўзбекистон автомобиль ва дарё транспорти агентлиги, бошқа манфаатдор идоралар объектлар лойиҳалаштирилиши ва қурилишида архитектура-қурилиш назоратини кучайтириш, шунингдек, ногиронлиги бўлган шахсларнинг улардан эркин фойдаланишини таъминлаш талабларига риоя этмаганлик учун жавобгарлик муқаррарлиги принципини таъминлаш чораларини кўрсин.

12. Қуйидагиларга:

барча даражадаги давлат органлари, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари, корхоналар, ташкилотлар ва муассасалар раҳбарларига ногиронлиги бўлган шахсларни ишга қабул қилиш, шунингдек, ногиронлиги бўлган шахслар жамиятлари корхоналари билан товарлар, ишлар ва хизматлар етказиб беришга оид шартномалар тузиш амалиётини кенгайтиришни таъминлаш;

Ўзбекистон Миллий телерадиокомпанияси, Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлиги, Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги ҳамда бошқа оммавий ахборот воситаларига эфирга узатилаётган янгиликлар, телекўрсатувлар ва видеофильмларнинг субтитр ёки сурдо таржима билан олиб борилишини ташкил этиш, ногиронлиги бўлган шахсларнинг ахборот олиш имкониятини ошириш ва бўш вақти мароқли ўтишини таъминлаш учун махсус ҳарфли нашрларни кенгайтириш тавсия қилинсин.

13. Соғлиқни сақлаш вазирлиги:

а) Ўзбекистон Республикаси Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги, Халқ таълими вазирлиги, Молия вазирлиги, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Ўзбекистон Касаба уюшмалари Федерацияси Кенгаши билан биргаликда 2018 йил 1 мартга қадар ногиронликни белгилаш тартибини тубдан такомиллаштириш бўйича, биринчи навбатда, қуйидагиларга қаратилган таклифларни белгиланган тартибда киритсин:

ногиронликни белгилаш механизмларини ва унинг муддатларини, шу жумладан ҳужжатларни улардаги муҳим ҳолатларнинг мазмунини мажбурий равишда асослаб ва тушунтириб расмийлаштириш тартибини назарда тутган ҳолда қайта кўриб чиқиш;

ногиронликни белгилаш тизимига яққол белгилари бўлган арз қилувчини ногиронлик белгилангунга қадар қўллаб-қувватлаш механизмини жорий этиш, бунда унинг ушбу ҳолат мавжудлигини исботлаш мажбуриятини бекор қилиш;

коррупцияга сабаб бўладиган омилларни истисно этган ҳолда, зарур тартиб-таомиллардан ўтишнинг шаффофлиги ва очиқлигини таъминлаш, тартибини соддалаштириш ва муддатларини қисқартириш;

ногиронлиги бўлган шахсларнинг ҳаёт фаолияти учун зарур бўлган,шу жумладан автотранспорт воситаларини бошқариш имконияти ҳақидаги маълумотларнинг тиббий хулосаларга киритилишини таъминлаш;

айрим тоифадаги ногиронлиги бўлган шахслар учун махсус даволанишдан ўтмасдан, шу жумладан тиббий текширув ўтказмасдан аниқланиши мумкин бўлган ногиронлик тоифалари учун стационар даволанишда мажбурий бўлишни бекор қилишни назарда тутган ҳолда, ногиронликни белгилашни аниқлаштириш ҳамда ҳужжатларни топшириш имкониятини кенгайтириш;

б) Ўзбекистон Республикаси Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги, Молия вазирлиги ҳамда Иқтисодиёт вазирлиги билан биргаликда 2018 йил 1 мартга қадар:

ногиронликни белгилаш, ногиронлиги бўлган шахсларнинг ижтимоий мослашувига кўмаклашишни таъминлаш ва уларга ногиронлик пенсияси ва нафақалари тўлашнинг халқаро стандартларига ўтиш заруратини;

айрим тоифадаги ногиронлиги бўлган шахсларни, шу жумладан оғир руҳий касалликка чалинганларни парвариш қилувчи шахсларнинг пенсияга чиқиши ва нафақа олиши, шунингдек, алоҳида тоифадаги ногиронлиги бўлган шахсларнинг имтиёзли пенсияга чиқиши имкониятини кенгайтиришни ҳисобга олган ҳолда ногиронликни белгилаш мезонлари ва ногиронлик пенсиялари, нафақалари тўлаш тартибининг қайта кўриб чиқилишини таъминласин.

14. Ўзбекистон Республикаси Инвестициялар бўйича давлат қўмитаси, Соғлиқни сақлаш вазирлиги Ташқи ишлар вазирлиги, Молия вазирлиги, Иқтисодиёт вазирлиги ва бошқа манфаатдор идоралар билан биргаликда уч ой муддатда протез-ортопедия буюмлари ва техник реабилитация воситаларининг хориждаги етакчи ишлаб чиқарувчиларини аниқласин, кейинчалик ушбу соҳага, шу жумладан фаолият юритаётган корхоналарни модернизация қилишга кўмаклашиш, замонавий технологияларни қўллаган ҳолда республикада янги ишлаб чиқаришларни ташкил этиш орқали чет эл инвестицияларини жалб қилиш қисми бўйича музокаралар ўтказсин.

15. Вазирликлар ва идоралар раҳбарлари мазкур Фармоннинг, шу жумладан Дастурда назарда тутилган тадбирларнинг ўз вақтида ва самарали бажарилиши учун шахсан масъул эканлиги белгилансин.

16. Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги, бошқа манфаатдор идоралар билан биргаликда уч ой муддатда қонун ҳужжатларига ушбу Фармондан келиб чиқадиган ўзгартиш ва қўшимчалар тўғрисидаги таклифларни Вазирлар Маҳкамасига киритсин.

17. Мазкур Фармоннинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири А.Н.Арипов ва Ўзбекистон Республикасининг Бош прокурори И.Б.Абдуллаев зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикаси Президенти**
**Ш.МИРЗИЁЕВ**

*Тошкент шаҳри,*
*2017 йил 1 декабрь*

# ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ "НОГИРОНЛИГИ БЎЛГАН ШАХСЛАРНИ ДАВЛАТ ТОМОНИДАН ҚЎЛЛАБ-ҚУВВАТЛАШ ТИЗИМИНИ ТУБДАН ТАКОМИЛЛАШТИРИШ ЧОРА-ТАДБИРЛАРИ ТЎҒРИСИДА"ГИ ФАРМОНИГА ШАРҲ

Мамлакатда ногиронларни давлат томонидан қўллаб-қувватлаш, тиббий-ижтимоий ёрдам кўрсатиш, ҳаёт сифатини яхшилаш тизимини такомиллаштириш, уларга таълим олиш ва ишга жойлашишда ҳар томонлама кўмаклашиш чоралари кўрилмоқда. Давлат томонидан халқимизга хос бўлган меҳр-шафқат ҳамда эзгулик туйғуларини ҳисобга олган ҳолда ногиронларнинг муҳим эҳтиёж ва талабларига алоҳида эътибор қаратилмоқда.

1992 йилда БМТ томонидан ногиронларга оид долзарб масалаларга жамоатчилик эътиборини қаратиш, шунингдек, уларни ижтимоий ҳаётга ва ривожланиш жараёнларига мослаштириш мақсадида 3 декабрь – Халқаро ногиронлар куни деб эълон қилинди.

Бугунги кунда дунёда тахминан бир миллиард, жумладан Ўзбекистонда 600 мингдан ортиқ ногиронлар ҳаёт кечирмоқда. Кўпчилик ногиронлар кундалик турмушда турли қийинчиликларга дуч келиб, бу уларнинг мамлакат сиёсий, ижтимоий, иқтисодий ва маданий ҳаётида фаол иштирок этишига салбий таъсир кўрсатмоқда.

Мазкур муаммоларни ҳал қилиш мақсадида Давлат раҳбари томонидан 2017 йил 1 августда қабул қилинган фармойиш билан Ногиронлиги бўлган шахсларни давлат томонидан қўллаб-қувватлаш тизимини тубдан такомиллаштиришга қаратилган таклифларни тайёрлаш бўйича комиссия тузилди.

Комиссия томонидан кенг кўламли ишлар амалга оширилди, жумладан:

мазкур соҳада амалда бўлган норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар базаси, шунингдек, давлат органларининг фаолияти танқидий таҳлил қилинди. Текширишлар якуни бўйича прокуратура органлари томонидан 400 дан ортиқ прокурор назорати ҳужжатлари қўлланилди, 700 га яқин шахсларнинг бузилган ҳуқуқлари тикланди, 700 дан ортиқ шахслар протез-ортопедия буюмлари ва техник реабилитация воситалари билан таъминланди;

шаҳар ва транспорт инфратузилмасида ногиронлар учун қулайлик яратилганлиги ҳолати ўрганилди (жумладан, 64 598 та давлат органи объектларидан фақат 23 901 тасига ногиронларнинг кириш имконияти яратилган ва пандуслар мавжуд);

Интернетда ташкил этилган ижтимоий сўровлар давомида 500 дан ортиқ фуқаролардан таклифлар келиб тушди;

124 та давлат органи ва ташкилотининг сайтлари ўрганилди, улардан 83 тасида ногиронларнинг ахборот олиши учун махсус имкониятлар мавжуд эмас;

ногиронларнинг яшаш муҳити имкониятлари, таълим олиши ва бандлигини таъминлаш, уларнинг тиббий-ижтимоий реабилитацияси, протез-ортопедия буюмлари ва техник реабилитация воситалари ишлаб чиқарилиши масалалари бўйича Германия, Франция ва Швейцария давлатларининг тажрибаси бевосита ўрганилиб, таклифлар тайёрлашда инобатга олинди.

Ногиронларга қулай ҳаётни таъминлаш учун қўшимча шароитлар яратишни, шунингдек, бир қатор янгиликларни назарда тутувчи **Ўзбекистон Республикаси Президентининг "Ногиронлиги бўлган шахсларни давлат томонидан қўллаб-қувватлаш тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Фармони** қабул қилиниши олиб борилган ишларнинг мантиқий якуни бўлди.

Инсонларнинг ногиронларга нисбатан муносабатини ўзгартириш, атрофдагиларни уларнинг жамиятда тўлиқ ва тенг ҳуқуқли иштироки ҳақида хабардор қилиш ногиронларнинг долзарб муаммоларини ҳал этишда ўта муҳим ва биринчи навбатдаги қадам ҳисобланади. Ушбу мақсадда "ногирон" тушунчаси муомаладан чиқарилмоқда ва у энг аввало, инсон эканлигини ҳисобга олган ҳолда умумэътироф этилган "ногиронлиги бўлган шахс" атамаси киритилмоқда.

БМТнинг Ногиронлар ҳуқуқлари тўғрисидаги конвенциясини ратификация қилишга тайёргарлик кўриш бўйича амалий чора-тадбирлар ташкил этилмоқда. "Ногиронлиги бўлган шахсларнинг ҳуқуқлари тўғрисида"ги Қонун лойиҳаси ишлаб чиқилади.

Фармон билан **51 банддан** иборат чора-тадбирларни амалга ошириш назарда тутилган **Ногиронлиги бўлган шахсларни қўллаб-қувватлаш тизимини янада такомиллаштириш ҳамда уларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилиш кафолатларини кучайтириш бўйича комплекс чора-тадбирлар дастури** тасдиқланди.

Жумладан, тасдиқланган Дастур қуйидаги чора-тадбирларни назарда тутади:

ногиронлиги бўлган шахсларнинг ҳаёт сифати ва даражасини ошириш;

ногиронликнинг олдини олиш, ногиронлиги бўлган шахсларга тиббий-ижтимоий ёрдам кўрсатиш ва уларни реабилитация қилиш самарадорлигини ошириш;

ногиронлиги бўлган шахсларнинг таълим олиши, уларни махсус касб-ҳунарга тайёрлаш ва қайта тайёрлаш тизимини такомиллаштириш, шунингдек, ногиронлиги бўлган шахсларни ишга жойлаштиришни таъминлаш;

ногиронлиги бўлган шахслар учун қулай ва мақбул муҳитни таъминлаш, тиббий-ижтимоий муассасаларнинг моддий-техник жиҳозланишини яхшилаш.

Кўзи ожиз ногиронлиги бўлган шахслар саводхонлигини ошириш имкониятининг паст даражада эканлиги уларнинг ижтимоий ҳаётда иштироки ва воқеалардан хабардор бўлишини тўлиқ чеклайдиган ўта муҳим муаммолардан бири бўлиб қолган. Шу муносабат билан, ногиронлиги бўлган шахсларнинг саводхонлигини ошириш мақсадида вилоятлар, туманлар марказларида умумтаълим мактаблари негизида Брайль алифбосини ўқитиш бўйича махсус курслар ташкил этишга оид чора-тадбирлар кўрилади.

Бундан ташқари, овоз орқали бошқариш мақсадида компьютер операцион тизимлари учун махсус дастурлар яратилади, давлат органлари ва ташкилотларининг расмий сайтларида ногиронлиги бўлган шахслар учун қўшимча имкониятлар жорий этилади.

Сир эмаски, шаҳар йўловчи транспортларининг махсус ускуналар билан жиҳозланмаганлиги ногиронлиги бўлган шахслар учун иш жойи ва бошқа муассасаларга етиб боришда муайян қийинчиликларни келтириб чиқаради. Шунингдек, светофорлар ва пиёдалар йўлакчалари қўшимча товуш ёрдамида бошқариш ускуналарига эга эмас.

Бунинг учун ногиронлиги бўлган шахсларга шаҳар йўловчи транспортини мазкур мақсадларга мослаштириш, бекат ва йўналишларни овоз ёрдамида эълон қилиш орқали қулайликлар яратилади.

Шу билан бир қаторда, 2018 йил 1 мартдан ногиронлиги бўлган шахсларга мослаштирилмаган шаҳар йўловчи транспорти воситаларини сотиб олиш тақиқланмоқда. Бу ногиронлиги бўлган шахсларга автобус ва бошқа шаҳар йўловчи транспорт турларидан фойдаланишни жиддий тарзда енгиллаштиради.

Ҳозирги кунга қадар миллий енгил автомобиллар фақат соғлом инсонлар учун мослаштирилган бўлиб, ногиронлиги бўлган шахслар эса махсус бошқарув имконияти мавжуд эмаслиги сабабли бундай автомобилларга эга бўла олмас эди. Келгусида ишлаб чиқариладиган миллий енгил автомобиллар ногиронлиги бўлган шахслар фойдаланиши учун мослаштирилган ҳолда махсус ускуналар билан қайта жиҳозланади.

Транспорт воситалари ҳайдовчилари – ногиронлиги бўлган шахсларни ўқитиш учун тайёрлаш ва қайта тайёрлаш ишлари ташкил этилади.

Ногиронлиги бўлган шахсларнинг мамлакат ижтимоий ҳаётида иштирокининг муҳим омилларидан бири уларнинг умумий саводхонлиги ҳисобланади. Бироқ, қатор сабабларга кўра, ногиронлиги бўлган шахслар олий таълим муассасаларида ўқиш учун комплекс имкониятга эга бўлмаган.

Ушбу мақсадда 2018/2019 ўқув йилидан бошлаб олий таълим муассасаларига абитуриентлар қабулининг умумий сонидан ногиронлиги бўлган шахслар учун қўшимча равишда икки фоизли квоталар киритилмоқда. Мазкур квоталар бўйича фақатгина ногиронлиги бўлган шахслар таълим олади, бу уларнинг олий маълумотга эга бўлишини таъминлаб, жамиятга мослашиш имкониятларини кенгайтиради.

Ногиронлиги бўлган шахсларни ишга жойлаштириш ҳам уларни давлат томонидан қўллаб-қувватлаш тизимининг муҳим йўналишларидан бири ҳисобланади.

Ногиронлиги бўлган шахсларни ишга қабул қилишни кенг рағбатлантириш, шунингдек, ногиронлиги бўлган шахсларнинг ўзи томонидан тадбиркорлик билан шуғулланишга шароит яратиш мақсадида 2018 йилнинг 1 январидан бошлаб якка тартибдаги тадбиркорлик билан шуғулланувчи I ва II гуруҳ ногиронлиги бўлган шахслар, шунингдек, I ва II гуруҳ ногиронлиги бўлган шахсларни ходим сифатида ёллаган якка тартибдаги тадбиркорларга қатъий белгиланган солиқнинг имтиёзли ставкаси белгиланмоқда.

Ногиронлиги бўлган шахслар, кексалар ва аҳолининг бошқа ижтимоий эҳтиёжманд тоифаларини ижтимоий ҳимоя қилишга масъул бўлган ягона идоранинг мавжуд эмаслигига ҳам алоҳида эътибор қаратилди. Шу муносабат билан, Ўзбекистон Республикасида Маъмурий ислоҳотлар концепциясини амалга ошириш доирасида Соғлиқни сақлаш вазирлиги ҳузурида ихтисослаштирилган идора ташкил этилади.

Ногиронлиги бўлган шахсларнинг долзарб муаммоларини ҳал этишда нафақат давлат, балки оддий фуқароларнинг иштироки ҳам ўта муҳим ҳисобланади. Шу мақсадда, Соғлиқни сақлаш вазирлиги ҳузурида **Ногиронлиги бўлган шахсларни қўллаб-қувватлаш жамғармаси** ташкил этилиб, унинг маблағлари ногиронлиги бўлган шахслар аҳволини яхшилаш, тиббий-ижтимоий ёрдам сифатини ошириш, протез-ортопедия буюмлари ва техник реабилитация воситалари ишлаб чиқаришни модернизация қилиш ҳамда технологик янгилаш учун ишлатилади. Ногиронлиги бўлган шахслар муаммоларига бефарқ бўлмаган фуқаролар ва юридик шахсларнинг ихтиёрий ҳомийлик хайриялари ҳам жамғарма манбалари бўлади.

2018 йилнинг 1 июнидан бошлаб ногиронлиги бўлган шахслар тўғрисида комплекс маълумотларни (ногиронлиги бўлган шахсларга оид шахсий маълумотлар, пул тўловларининг турлари ва миқдори, ажратилган техник реабилитация воситалари, протез-ортопедия буюмлари ва бошқалар) ўз ичига олган ногиронлиги бўлган шахсларнинг ягона электрон реестри жорий этилмоқда, бу даволаш ва реабилитация ишларини самарали ташкил этишни таъминлайди.

Қайд этиш лозимки, протез-ортопедия буюмлари ва техник реабилитация воситаларини ишлаб чиқаришнинг маънан эскирганлиги ҳамда ушбу воситаларни ишлаб чиқаришга оид кўплаб стандартларнинг мавжуд эмаслиги фуқароларнинг асосли эътирозларига сабаб бўлмоқда.

Мазкур муаммони ҳал этиш учун протез-ортопедия буюмлари ва техник реабилитация воситаларини ишлаб чиқариш соҳасига, жумладан фаолият юритаётган корхоналарни модернизация қилишга кўмаклашиш, замонавий технологияларни қўллаган ҳолда республикада янги ишлаб чиқаришларни ташкил этиш орқали чет эл инвестициялари жалб қилинади. Шунингдек, протез-ортопедия буюмлари ва техник реабилитация воситаларини ишлаб чиқаришга давлат стандартлари жорий этилади.

Қабул қилинган Фармон ногиронлиги бўлган шахсларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини таъминлашни сифат жиҳатдан янги босқичга олиб чиқиш имконини беради, шунингдек, ногиронлиги бўлган шахсларнинг ҳаёт сифати ва даражасини ошириш, қулай ва мақбул муҳитни таъминлаш, тиббий-ижтимоий муассасаларнинг моддий-техник жиҳозланишини яхшилашга хизмат қилади.

**24 декабрь – Тошкент шаҳар халқ депутатлари туман Кенгашларига сайлов куни**

# БИРГАЛИКДА ПОЙТАХТИМИЗНИ ЯНАДА ОБОД ШАҲАРГА АЙЛАНТИРАМИЗ

## ПАРТИЯНИНГ ТОШКЕНТ ШАҲРИ ИНФРАТУЗИЛМАСИНИ РИВОЖЛАНТИРИШ, АҲОЛИНИНГ ҲАЁТ ДАРАЖАСИ ВА СИФАТИНИ ОШИРИШ ЙЎНАЛИШИДАГИ УСТУВОР ВАЗИФАЛАРИ

Ушбу йўналишда партия қуйидаги ғояларни илгари суради:

### Тошкент – яшаш ва ишлаш учун қулай шаҳар

Бизнинг мақсад ва вазифамиз – **Тошкентни дунёдаги яшаш учун энг қулай шаҳарга айлантириш**!

Биз пойтахтимизда яшовчи барча аҳоли учун тенг имкониятлар, юксак сифатли ҳаёт ва фаровонликни таъминлаш, шаҳар инфратузилмасини барқарор ва жадал ривожлантириш тарафдоримиз. Биз бу вазифаларнинг ижроси, аҳолини, энг аввало, ёш оилаларни, эскирган уйларда яшаб келаётганлар ва уй-жой шароитини яхшилашга муҳтож бошқа фуқароларни **арзон, замонавий ва қулай тураржой билан таъминлаш,** имтиёзли шартларда ипотека кредитлари ажратиш назарда тутилган Ҳаракатлар стратегияси қоидаларининг ўз вақтида ва сўзсиз бажарилиши билан чамбарчас боғлиқ деб биламиз.

Биз учун устувор масала – кўпхонадонли тураржой фондининг техник ҳолатини ва ундан фойдаланишни тубдан яхшилаш, таъмирлаш ва тиклаш ишларини ўз вақтида ва сифатли ўтказиш, болалар ва спорт майдончалари барпо этиш, кўпхонадонли уйларнинг атрофидаги ҳудудларни ободонлаштиришни яхшилаш. Шунингдек, тураржойлар қурилишида рақобат муҳитини таъминлаш, қурилиш ишлари олиб бориладиган ҳудудларда давлат-хусусий шериклигини ривожлантириш бўйича лойиҳаларни амалга оширишни рағбатлантириш, тураржойлар барпо этишнинг намунавий қурилиш лойиҳалари маълумотлар базасини яратиш ҳам бизнинг доимий эътиборимизда бўлади.

Биз **кўпқаватли арзон уйлар**, ривожланган йўллар, маданият ва бошқа ижтимоий инфратузилмалар, савдо ва дам олиш марказлари, спорт мажмуаларига эга, айни пайтда Тошкентнинг тарихий мероси ва ташқи қиёфасини сақлаб қолган ҳолда барпо этилаётган **замонавий тураржой мавзеларини ривожлантиришга** йўналтирилган чора-тадбирларни қўллаб-қувватлаймиз. Биз учун устувор масала – шаҳарликлар ва пойтахтимиз меҳмонлари ҳордиқ чиқарадиган жойлар тизимини янада ривожлантириш, жаҳондаги энг етук дам олиш масканларидан қолишмайдиган янги истироҳат зоналари, аттракционли боғлар барпо этиш.

ЎзЛиДеП **"экологик" ва "ақлли" уйларнинг замонавий технологияларини ва қурилишини ривожлантириш** тарафдори. Биз уй-жой қурилишида ва лойиҳаларини ишлаб чиқишда аҳолининг тураржойга бўлган турли хил талабларидан келиб чиққан, жумладан, жисмоний имконияти чекланган шахсларнинг эҳтиёжларини ҳисобга олган ҳолда таъминлаш имконини берадиган янгича ва замонавий технологиялардан фойдаланишни рағбатлантириш, хавфсиз, ранг-баранг ва эстетик жиҳатдан жозибадор муҳит яратиш ташаббусини илгари сурамиз.

Биз пойтахт аҳолиси ва меҳмонлари учун қулай яшаш шароити яратишга – **аҳолининг коммунал-маиший хизматлар, тоза ичимлик суви ва электр энергияси билан таъминланиш даражасини тубдан ошириш**, тежамкор ва энергия тежайдиган замонавий технологияларни изчиллик билан жорий этиш, одамларнинг замонавий шароитларда яшаши учун экологик хавфсиз ва қулай муҳитни шакллантиришга энг муҳим вазифаларимиздан бири деб қараймиз.

Биз хусусий уй-жой эгалари ширкатлари ишининг сифатини яхшилаш;

сув таъминоти ва канализация тизимлари объектларидан, ичимлик суви ресурсларидан самарали фойдаланиш;

электр қувватлари ишлаб чиқарувчи янги корхоналар барпо этиш ва мавжудларини модернизация қилишга йўналтирилган чора-тадбирларни қўллаб-қувватлаймиз.

Биз учун устувор масалалардан яна бири – **истеъмолчиларга иссиқлик энергиясини узлуксиз етказиб беришни таъминлаш ва сифатини ошириш**, иссиқлик етказиб бериш тизими асосий фондларини янгилаш ва модернизация қилиш, тежамкор ва энергия тежайдиган замонавий технологияларни жорий этиш, энергия тежайдиган локал иссиқхоналар қуриш, шунингдек, хонадонларга якка тартибда иссиқлик етказиб берувчи тизимларни ўрнатиш йўли билан иссиқлик етказиб беришнинг номарказлашган тизимини ривожлантириш.

Уй-жой ва ижтимоий қурилишлар кўпайиши билан шаҳарда мавжуд иссиқлик қувватларига тушадиган юк ошмоқда. Бу тураржой қуришда янги иситиш қозонларини барпо этиш ҳамда мавжуд иссиқлик манбалари ва тармоқларини реконструкция қилиш заруратини юзага келтирмоқда. **Фикримизча, қуёш энергияси салоҳиятидан фойдаланиш бу борада бошқа бир ечим**, яъни шаҳарда барпо этилаётган уй-жой биноларига иссиқлик юкини қоплаш учун қуёш-иссиқлик қурилмаларини жорий этиш ҳисобланади. Ўз навбатида, Тошкентни иссиқлик билан таъминлаш учун газнинг истеъмол харажатларини пасайтириш буғ газлари ва пойтахт ҳавоси ифлосланиши даражаси эмиссиясини камайтиришни таъминлайди.

Биз учун устувор масала – **экологик вазиятни яхшилаш, чиқиндиларнинг фуқаролар соғлиғига зарарли таъсирининг олдини олиш**, аҳолининг ҳаёт сифати даражасини ошириш учун қулай шароит яратиш, чиқиндиларни йиғиш, сақлаш, ташиш, утилизация қилиш, қайта ишлаш, кўмиш ва сотиш тизимининг моддий-техник базасини янада такомиллаштириш ва мустаҳкамлаш бўлиб, "Тоза ҳудуд" давлат унитар корхонаси фаолиятини самарали ташкил этиш, чиқиндилар билан муомала тизимини тўла қамраб олиш учун тадбиркорлик субъектларининг фаолиятини рағбатлантириш масалаларига алоҳида эътибор қаратамиз.

**Пойтахтнинг сув артерияларини тозалашга алоҳида эътибор қаратиш зарур.** Сув объектлари ва ундан суғориладиган ирригацион ўнг ва сўл қирғоқ каналлари шаҳардаги муҳитнинг энг заиф элементлари ҳисобланади. Уларни ишлаб чиқариш объектларидан чиқадиган ва бошқа турдаги чиқиндиларнинг тўпланишидан тозалаш зарур, Чирчиқ дарёсининг қаровсиз ва ташландиқ қирғоқ ҳудудларини ободонлаштириш ва кўкаламзорлаштириш талаб этилади. **Умуман олганда, Тошкентнинг барча сув артериялари тозаланиши ва кўкаламзорлаштирилиши керак.**

**Саноат зоналарини Тошкент шаҳри ташқарисига чиқариш шаҳардаги экологик вазиятни яхшилашга кўмаклашади.** Хусусан, пойтахтда саноат корхоналари фаолияти оқибатида йилига минглаб тонна саноат чиқиндилари юзага келади, уларнинг бир қисми иккиламчи тарзда қўлланилади, қолгани полигонларда тўпланади ёки теварак-атроф ва сув ҳавзаларини ифлослантириб, рухсат этилмаган чиқинди жойларида йиғилиб ётади. Фикримизча, **барча ноқонуний чиқинди ташлаш жойлари ободонлаштириш ишларини олиб боришни талаб этади.** Шунингдек, мавжуд тураржойлар туманлари яқинида жойлашган саноат зоналари ҳудудларининг функционал вазифаларини тўлақонли санитария-ҳимоя зоналарини ташкил этиш орқали мақбуллаштириш зарур.

Партия мазкур масалаларни **коммунал ва ишлаб чиқариш инфратузилмаларини янада ривожлантириш**, уларнинг арзонлиги ва ишончлилигини таъминлаш, аҳолининг ижтимоий-маиший яшаш шароитларини яхшилаш орқали ҳал қилиш мумкин деб ҳисоблайди. Биз нархларни тартибга солиш эмас, балки бозордаги тенг рақобат – товарлар ва хизматларнинг сифати ва мақбул нархларини таъминлашнинг энг муҳим шарти деб биламиз. Биз уй-жой коммунал хўжалиги ва инфратузилма соҳасини хусусий капитал учун жозибадор рақобат бозорига айлантириш, табиий, сув-энергетика ресурсларидан самарали фойдаланишни рағбатлантиришни иқтисодий ўсиш суръатларини жадаллаштиришнинг ва шаҳар иқтисодиёти рақобатбардошлигини юксалтиришнинг муҳим шарти деб ҳисоблаймиз.

Ишонамизки, **шаҳарда замонавий тураржой мавзеларининг барпо этилиши иқтисодиётнинг қурилиш билан боғлиқ тармоқларини мутаносиб ва барқарор ривожлантиришнинг локомотивига айланиб**, коммунал ва социал соҳалар, ифратузилмалар, транспорт ва коммуникация тармоқлари, замонавий қурилиш материаллари ва конструкциялар ишлаб чиқаришни янада ривожлантиришга хизмат қилади. Энг асосийси – бу аҳолининг бандлигини таъминлаш ва янги иш ўринлари очишнинг ғоят муҳим омилларидан биридир. Биз илғор қурилиш технологиялари ва энергия тежайдиган халқаро андозалар талабларига мос рақобатбардош маҳсулотлар, қурилиш ва пардозлаш материалларининг янги турларини ишлаб чиқаришни йўлга қўйиш борасидаги чора-тадбирларни қўллаб-қувватлаймиз.

### Тошкент – йўл-транспорт инфратузилмаси ривожланган шаҳар

Партия қайд этадики, Тошкент – мамлакатимизнинг бош транспорт узели ва минтақамиздаги энг йирик транзит марказларидан биридир. Мамлакатимизда транспорт инфратузилмасини ҳар томонлама ривожлантириш борасида амалга оширилаётган изчил чора-тадбирлар самарасида пойтахтимиз бугун жанубий, ғарбий ва шарқий транснациональ транспорт йўлакларини бирлаштирган халқаро автомобиль, темир йўл ва ҳаво йўллари қатновини таъминловчи энг муҳим транспорт узелига айланди. Бу Тошкентда мамлакатимизнинг ва жаҳоннинг турли ҳудудлари билан боғловчи транспорт алоқасининг жадал ривожланиши, пойтахтимизнинг юртимиз барча ҳудудлари билан транспорт алоқасини амалга оширишдаги ролининг кучайиши, шаҳар ичида транспорт воситаларининг кўпайиши ва транспорт ҳаракатининг тезлашиши, Тошкент транспорт узелида йўловчи ташиш ҳажмининг сезиларли даражада ошишига олиб келди.

Биз Тошкент **метрополитенини янада ривожлантириш, метронинг янги йўналишлари ва янги бекатларини очиш, инфратузилмасини модернизация қилиш борасидаги ишларни қўллаб-қувватлаймиз ва унга ўзимизнинг муносиб ҳиссамизни қўшамиз**.

Биз учун устувор масалалар сирасидан энг илғор халқаро андозаларни ва фуқароларнинг энг юксак талабларини ҳисобга олган ҳолда **шаҳар ерусти йўловчи транспортини,** жамоат транспортининг бошқа турлари, жумладан, метро бекатидан темир йўл платформаси, электр поезди, ерусти транспорти ва бошқаларга **ўтиш узелларини** ривожлантириш ҳам жой олган.

Биз **йўл тармоқлари, эстакадали ва кўпқаватли йўллар, тўхташ жойларини янада ривожлантириш, транспортни бошқариш ва йўл ҳаракатини ташкил қилишнинг ягона интеллектуал тизими, транспорт навигацияси тизимини барпо этиш** тарафдоримиз. Партия интеграциялашган ягона тармоқни марказлашган усулда бошқариш, жамоат транспортининг барча турларини янгича услубда бошқариш ва мувофиқлаштиришга ўтиш кўча-йўл тармоғининг транспортни ўтказиш имкониятларининг янада ошиши, автоҳалокат ва ўлим ҳолатларининг камайишига хизмат қилади деб ҳисоблайди.

**Биз автомобиль ҳаракати тўлиқ ўтказгичлари бўлган транспорт иншоотларини кўпайтириш тарафдоримиз, бу Тошкент шаҳри туманлари ўртасида ҳаракатланиш ва алоқага кетадиган вақтни сезиларли равишда қисқартиради**.

Биз аҳолига транспорт хизмати кўрсатишни тубдан яхшилаш, йўловчи ташишдаги хавфсизлик ва қулайликларни ошириш, **жамоат транспорти тармоғини ривожлантириш**, йўловчилар тирбанд бўладиган жойларда автобусларнинг янги йўналишларини очиш, шаҳар автомобиль паркини модернизация қилиш ва янгилаш борасидаги чора-тадбирларни қўллаб-қувватлаймиз. Атмосферани зарарли газлар билан булғамаслик, автовокзаллар ва автостанцияларни қуриш ва реконструкция қилиш, йўл инфратузилмаларини қуриш ва реконструкция қилиш масалаларига алоҳида эътибор қаратамиз.

Биз учун устувор масалалар сирасидан велосипед йўллари тармоғини ривожлантириш, велосипедлар йўлаклари, туманлараро маҳаллий ички йўллар, рекреацион ҳудудларни ободонлаштириш ишлари ҳам жой олган. Бундай йўналишлар тарҳини ишлаб чиқишда транспортдан фойдаланишнинг қулайлиги, велосипедда ҳаракатланиш хавфсизлиги, жумладан, велосипедчилар билан пиёдалар оқимларини ажратиш муҳим ўрин тутади.

Партия **йўл инфратузилмасини ривожлантириш борасида** – транспорт коммуникация тармоқларини ривожлантиришнинг чуқур ўйланган стратегияси, чорраҳаларни такомиллаштириш, автомобиль йўллари ва сунъий иншоотларни лойиҳалаштириш, қуриш ва улардан фойдаланишга комплекс ёндашув асосида йўлларни қуриш ва реконструкция қилиш, лойиҳа ва йўл қурилиш ишларининг сифатини ошириш бўйича **узоқ муддатли дастурлар ва лойиҳалар**ни ишлаб чиқиш ва амалга ошириш ташаббуси билан чиқмоқда.

### Тошкент – тарих ва замонавийликнинг ноёб уйғунлиги

Тошкент шаҳрини ривожлантириш пойтахтнинг тарихий ва меъморий ўзига хосликларини ҳисобга олган ҳолда амалга оширилиши лозим. Тошкентнинг меъморий ривожланиши кўп асрлик улкан тарихий-маданий мерос ва замонавий мегаполис талабларининг уйғунлигига асосланиши кераклигига ишончимиз комил.

Тошкентнинг қадимий маданий асосга таянган замонавий қиёфасини анъанавий маданият қоидаларини сақлаган ҳолда уларни замонавийлаштириб, янги шароитларга мослаштириш лозим. Ўрта асрлардаги урбанистиканинг тарихий меросини замонавий архитектуранинг энг яхши намуналари билан уйғунлашган ҳолда регенерация орқали Тошкент ўзига хослигини сақлаши зарур. Шаҳарнинг тарихий обидаларини қайта тиклашга, шу жумладан, ислом маданияти ва маънавий қадриятларни сақлашга алоҳида эътиборни бундан буён ҳам қаратиш зарур.

Фикримизча, **Тошкент архитектура нуқтаи назаридан замонавий мегаполис бўлиши, замон билан ҳамнафас бўлиб ривожланиши ва юксалиши зарур ва шу билан бирга ўз тарихий қадриятларини сақлаб қолиши керак.**

### Тошкент аҳолиси фикрини инобатга олиш

**Биз маҳаллий ҳокимият органлари ва фуқаролик жамияти вакиллари ўртасида самарали мулоқотни таъминлаш муҳимлиги тўғрисидаги ёндашувни қатъий ёқлаймиз**. Тошкент шаҳрини янада ривожлантириш долзарб ижтимоий-иқтисодий вазифаларни ҳал этишга пойтахт жамоатчилиги салоҳиятини максимал тарзда жалб қилган ҳолда амалга оширилиши лозим. **Ҳар бир пойтахтликнинг бизнинг умумий уйимиз – Тошкент шаҳрини ободонлаштиришга шахсий дахлдорлигини ҳис этишига** эришиш зарур.

Тошкент шаҳридаги маҳаллий вакиллик органларида ЎзЛиДеПдан депутатлар фаолияти масалаларни ҳал этишга жамоатчилик таъсирининг самарали инструментларидан бири сифатида намоён бўлади. Айнан бизнинг депутатларимиз фаолияти шаҳарликларни Тошкентни янада ривожлантиришни режалаштиришга жалб қилиш бўйича вазифаларни ҳал этиш ва муҳим ижтимоий масалаларга ечим топишга қўшилишга қаратилган. Тошкентда маҳаллий вакиллик органлари депутатлари шаҳар муаммоларини ҳал этиш лойиҳаларини ишлаб чиқишга профессионал ва эксперт жамоатчилигини жалб қилишни таъминлаши зарур.

Мазкур аниқ ва мақсадли чора-тадбирларни амалга ошириш нафақат ижро этувчи ҳокимият вакиллари, балки Тошкент шаҳар халқ депутатлари туман Кенгашларида шаклланадиган, сиёсий майдонга тадбиркорлар ва ишбилармонлар номидан чиқадиган ЎзЛиДеП депутатлик гуруҳлари фаоллигига ҳам боғлиқлиги аниқ бўлмоқда.

ЎзЛиДеП ушбу мақсадларга эришиш учун депутатликка номзодлар сифатида партия ғояларига дахлдор, садоқатли фаолларни кўрсатди.

**Ислоҳотларнинг пировард натижалари учун масъулмиз!**

***Ҳурматли сайловчилар – азиз ҳамшаҳарлар!***

САЙЛОВДА АНА ШУНДАЙ АНИҚ ВАЗИФАЛАРНИ ОЛДИГА ҚЎЙИБ, ТОШКЕНТ ШАҲРИНИ ГЎЗАЛ ВА БЕТАКРОР МАРКАЗГА АЙЛАНТИРИШНИ МАҚСАД ҚИЛГАН ТАДБИРКОРЛАР ВА ИШБИЛАРМОНЛАР ҲАРАКАТИ – ЎЗБЕКИСТОН ЛИБЕРАЛ-ДЕМОКРАТИК ПАРТИЯСИ НОМЗОДЛАРИГА ОВОЗ БЕРИНГ!

***ТАДБИРКОРЛИК – ХАЛҚ ФАРОВОНЛИГИНИНГ АСОСИ!***

**ЎзЛиДеП Тошкент шаҳар Кенгаши**

# ЎЗБЕКИСТОН ВА РОССИЯ: ИҚТИСОДИЙ ҲАМКОРЛИК ИСТИҚБОЛЛАРИ

***Ўзбекистон Савдо-саноат палатасида 1 декабрь куни "Ўзбекистон билан Россия ўртасидаги савдо-иқтисодий ва инвестициявий ҳамкорликни янада ривожлантириш ва кенгайтириш истиқболлари" мавзуида давра суҳбати бўлиб ўтди.***

Тадбир Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати, Ташқи савдо вазирлиги, Инвестициялар бўйича давлат қўмитаси, Россия – Ўзбекистон ишбилармонлар кенгаши, Жанубий Урал савдо-саноат палатаси ҳамкорлигида ташкил этилди. Унда сенаторлар, вазирлик ва идоралар, кимё, енгил саноат, машинасозлик, қишлоқ хўжалиги, авиация, металлургия, энергетика ва бошқа соҳаларда фаолият юритаётган компаниялар вакиллари иштирок этди.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Раисининг биринчи ўринбосари С.Сафоев, Россия Федерацияси Федерал Мажлиси Федерация Кенгаши Раиси ўринбосари И.Умаханов ва бошқалар Ўзбекистон билан Россия ўртасидаги савдо-иқтисодий, сармоявий, ижтимоий-гуманитар ҳамкорлик тобора мустаҳкамланиб бораётганини таъкидлади. Мамлакатларимиз ишбилармон доиралари ўртасида савдо алоқалари фаоллашиб, янги қўшма корхоналар ташкил этилаётгани ва истиқболли инвестициявий лойиҳалар амалга оширилаётгани қайд этилди.

Ўзбекистон Республикасида Россия инвестициялари иштирокида тузилган 960 дан ортиқ корхона фаолият юритади. Юртимизда ушбу мамлакатнинг 60 дан зиёд компания ва фирмаси ўз ваколатхонасига эга. Ўз навбатида, Россия ҳудудида Ўзбекистон Республикаси сармоядорлари иштирокида ташкил этилган 570 га яқин корхона фаолият юритмоқда. Ўзаро товар айирбошлаш ҳажми йил бошидан буён 3 миллиард доллардан ошган.

Ўзбекистон Савдо-саноат палатаси раиси А.Икромов меҳмонларга мамлакатимизда амалга оширилаётган иқтисодий ислоҳотлар, хорижий компаниялар ва сармоядорлар учун яратилаётган имкониятлар, иқтисодиёт ва валюта бозорини либераллаштириш, ишбилармонлик муҳитини яхшилаш, бизнесни қўллаб-қувватлаш борасидаги ўзгаришлар ҳақида сўзлаб берди. Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларининг қонуний манфаатлари ҳимояси, янги ташкил этилган эркин иқтисодий зоналарда чет эллик инвесторлар учун таклиф этилаётган қулайлик ва имтиёзлар юзасидан фикр алмашилди.

– Ўзбекистон кўплаб соҳалар қатори қишлоқ хўжалигида ҳам юқори салоҳият ва имкониятларга эга, – дейди "Ростсельмаш" компанияси вакили А.Колесников. – Соҳани модернизация ва диверсификациялаш ҳисобидан маҳсулот етиштиришда юқори самарадорлик кузатилмоқда. Компаниямиз қишлоқ хўжалиги учун турли техникалар ишлаб чиқаради. Комбайнларимиз ўтган йиллар давомида мамлакатингиз далаларида муваффақиятли синовдан ўтди. Тадбир давомида ҳамкорликни кенгайтириш бўйича фикр алмашиш имконига эга бўлдик.

Давра суҳбати иштирокчилари икки давлат ҳудудлари ва ишбилармон доиралари ўртасидаги амалий ҳамкорлик кенгайиб бораётганини алоҳида қайд этди. Давлат раҳбарларининг мунтазамлик касб этган учрашув ва мулоқотлари чоғида эришилган келишув, имзоланган битимлар бунда муҳим ўрин тутади.

Тадбирда Ўзбекистон ва Россия тадбиркорлари ўртасидаги муносабатларни мустаҳкамлаш бўйича ўзаро ҳамкорликнинг янги йўналишлари муҳокама қилинди.

Мажлис якуни бўйича Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати ва Россия Федерацияси Федерал Мажлиси Федерация Кенгаши ўртасидаги ҳамкорлик бўйича комиссия мажлиси баённомаси ҳамда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати ва Россия Федерацияси Федерал Мажлиси Федерация Кенгаши ўртасида 2018 йилга мўлжалланган икки томонлама парламентлараро ҳамкорликни ривожлантириш бўйича амалий чора-тадбирлар режаси ("Йўл харитаси") имзоланди.

**Улуғбек ШОНАЗАРОВ**

***"Бунёдкор" стадионида Ўзбекистон ёшлар иттифоқи Чилонзор туман Кенгаши ташаббуси билан 2017-2018 ўқув йили учун жамоатчи, аълочи ҳамда ўзининг намунали хулқи билан барча тенгдошларига ўрнак бўлаётган бир гуруҳ ўқувчиларни Ўзбекистон ёшлар иттифоқи сафига аъзолик қасамёдини қабул қилиш тадбири ўтказилди.***

# ЭРТАНГИ КУНИМИЗНИНГ МУНОСИБ ДАВОМЧИЛАРИ

Тадбирда туман ҳокимлиги ҳузуридаги Вояга етмаганлар ишлари бўйича комиссияси, Ўзбекистон ёшлар иттифоқи Тошкент шаҳар Кенгаши масъул ходимлари, ўқувчи-ёшлар, ота-оналар иштирок этишди.

Тадбирнинг тантанали очилиш маросимида Ўзбекистон ёшлар иттифоқи Тошкент шаҳар Кенгаши масъул ходими Санжар Ғуломов ҳамда Ёшлар иттифоқи Чилонзор туман Кенгаши "Камалак" болалар ташкилоти раиси Соҳибхон Ибрагимовлар сўзга чиқиб, аъзо бўлаётган ўқувчиларга ўзларининг тилакларини билдиришди.

Қасамёд қабул қилиш тадбирида 150 нафар умумтаълим мактаблари ва ўрта махсус, таълим муассасаларида таҳсил олувчи аълочи ва жамоатчи ўқувчилар тантанали равишда қасамёд қабул қилишди.

Ўзбекистон ёшлар иттифоқи сафига аъзолик қасамёдини қабул қилган ёшлар аъло ва яхши баҳоларга ўқиш, умуминсоний қадриятларга амал қилиш, ўз халқи, мустақил Ватанига содиқ фарзанд бўлишга ваъда беришди. Ўқувчиларга Ўзбекистон ёшлар иттифоқи аъзолик гувоҳномалари тақдим этилди.

**Зиёда РАСУЛОВА**

# КОДЕКСЛАР ЛОЙИҲАСИ МУҲОКАМА ҚИЛИНДИ

***Ўзбекистон Республикаси Олий судида Ўзбекистон Республикаси Маъмурий суд ишларини юритиш тўғрисидаги кодекс лойиҳаси, Иқтисодий процессуал кодекси лойиҳаси ҳамда янги таҳрирдаги Фуқаролик процессуал кодекси лойиҳаси муҳокамасига бағишланган давра суҳбати бўлиб ўтди.***

Ўзбекистон Республикаси Олий суди раисининг ўринбосари Х.Ёдгоров ва бошқалар мамлакатимизда барча соҳаларда изчиллик билан амалга оширилаётган ислоҳотлар негизида, аввало, инсон ҳуқуқ ва манфаатларини ишончли ҳимоя қилиш, қонун устуворлиги ва қонунийликни таъминлашга қаратилган эзгу мақсад мужассамлигини таъкидлади.

Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг 2017 йил 21 февралдаги "Ўзбекистон Республикаси суд тизими тузилмасини тубдан такомиллаштириш ва фаолияти самарадорлигини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Фармони билан оммавий ҳуқуқий муносабатлардан келиб чиқадиган маъмурий низолар, маъмурий ҳуқуқбузарликлар тўғрисидаги ишлар маъмурий судларга тааллуқли эканлиги белгиланган.

Маъмурий судлар Ўзбекистон Республикаси ягона суд тизимининг таркибий қисми ҳисобланади. Уларнинг фаолияти Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ва "Судлар тўғрисида"ги қонун билан белгиланган тамойилларга асосланган. Шу сабабли барча процессуал кодекслардаги умумий қоидалар, барча суд инстанцияларидаги ишларни кўриб чиқиш тартиби, суд ҳужжатларини ижро этиш бўйича иш юритишни тартибга солувчи нормалар ўхшаш бўлиб, фақат ҳар бир суднинг вазифалари хусусиятларидан келиб чиқиб фарқланади.

Ўзбекистон Республикаси Маъмурий суд ишларини юритиш тўғрисидаги кодекс лойиҳасида маъмурий судларнинг вазифалари ўз ифодасини топган. Кодекс лойиҳасини ишлаб чиқишда хорижий давлатларнинг маъмурий суд ишларини тартибга солувчи қонун ҳужжатлари ўрганилган.

Давра суҳбатида Ўзбекистон Республикаси Иқтисодий процессуал кодекси лойиҳаси ҳам кенг муҳокама қилинди.

2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясида фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини мустаҳкам ҳимоя қилиш, одил судлов эркинлигини, суд иш юритувининг самарадорлиги ва сифатини кўтариш суд-ҳуқуқ соҳасидаги ислоҳотларнинг муҳим йўналишлари сифатида белгиланган. Бу, ўз навбатида, Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик процессуал кодексини янги таҳрирда қабул қилишни тақозо этади.

Янги таҳрирдаги Фуқаролик процессуал кодекси лойиҳасида амалдаги нормалар замон талабларига мос равишда такомиллаштирилган, мавжуд ҳуқуқий бўшлиқлар тўлдирилган.

Тадбирда кодекслар лойиҳалари юзасидан мутахассисларнинг фикр-мулоҳазалари тингланди, журналистларни қизиқтирган саволларга жавоб қайтарилди.

**Г.САТТОРОВА,**
**ЎзА мухбири**


## Реклама ва эълонлар

**ТОШКЕНТ ШАҲАР ҲОКИМЛИГИ**
**ЎРТА МАХСУС, КАСБ–ҲУНАР ТАЪЛИМИ БОШҚАРМАСИ**
**ТОШКЕНТ МАТБАА-НОШИРЛИК КАСБ-ҲУНАР КОЛЛЕЖИНИНГ ВАКАНТ (БЎШ) БЎЛГАН ЎҚУВ ИШЛАРИ БЎЙИЧА ДИРЕКТОР ЎРИНБОСАРИ ЛАВОЗИМИГА**
**ТАНЛОВ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ**

| № | Таълим муассасаси номи | Манзили |
|---|---|---|
| 1 | Тошкент матбаа-ноширлик касб-ҳунар коллежи | Шайхонтоҳур тумани, Ҳамид Раҳматуллаев кўчаси, 3-уй |

**Малака талаблари**: олий маълумот, таълим тизимидаги (педагогик, ўқув-тарбиявий, ўқув-услубий, бошқарув фаолияти) иш стажи 3 йилдан кам эмас ёки академик лицей, касб-ҳунар коллежининг соҳа йўналиши бўйича 5 йилдан кам бўлмаган амалий иш стажи талаб этилади.

Таълим муассасаси йўналиши бўйича илмий даража ёки илмий унвонга эга бўлганда раҳбар лавозимларидаги шахслардан иш стажи талаб қилинмайди.

Танловда қатнашиш учун қуйидаги ҳужжатлар тақдим этилади:

1. Ўрта махсус, касб-ҳунар таълими ҳудудий бошқарма бошлиғи номига ариза;
2. Сўровнома (справка-объективка);
3. Таржимаи ҳол;
4. Олий маълумот ҳақидаги диплом нусхаси;
5. 3х4 ўлчамли 6 дона фотосурат;
6. Паспорт (нусхаси);
7. Илмий даража ва илмий унвони (мавжуд бўлса) ҳақидаги ҳужжатларнинг нусхалари;
8. Илмий-услубий ишлар ва ихтиролар рўйхати (мавжуд бўлса);

Ҳужжатларнинг асл нусхалари шахсан номзодлар томонидан кўрсатилади.

Ҳужжатлар эълон чиққан кундан бошлаб бир ой мобайнида қабул қилинади.

**Мурожаат учун манзил:**

**Тошкент шаҳри, Шайхонтоҳур тумани, Ҳамид Раҳматуллаев кўчаси, 3-уй. Тел: 244-60-50, 244-64-54.**

"Яшнобод тумани ер тузиш ва кўчмас мулк кадастри" давлат корхонаси томонидан Ахмедов Лазизхон Сайдиазимович номига турар жой учун берилган Яшнобод тумани, Нодирабегим кўчаси, 2-тор кўча, 11-уйга тегишли кадастр ҳужжатлари йўқолганлиги сабабли

**БЕКОР ҚИЛИНАДИ**

**"ТОШКЕНТ ОҚШОМИ" ва "ВЕЧЕРНИЙ ТАШКЕНТ"**

**Эълонлар шанба ва якшанбадан ташқари ҳар куни соат 9.00 дан 16.00 гача қабул қилинади.**
**Маълумотлар учун телефон: 233-28-95.**
**Факс: (371) 232-11-39.**
**Манзилимиз: Матбуотчилар кўчаси, 32-уй, 2-қават, 225-хона.**

# ҲАФТАЛИК ТЕЛЕДАСТУРЛАР

## ПАЙШАНБА, 7

*(Давоми. Боши ўтган сонда)*

### Ўзбекистон

06.00 "Ассалом, Ўзбекистон!"
07.30 "Ойдин ҳаёт". Ток-шоу.
08.00 "Ахборот".
08.35 "Парламент ҳаёти".
08.55 Анонс.
09.00 "Беҳаловат ҳимоячилар". Т/с
09.45 "Кунларнинг бирида".
10.00 "Бугуннинг мавзуси".
10.35 "Бировнинг ҳаққи". Теленовелла.
10.50 Анонс.
11.00 "Ассалом, Ўзбекистон!"
12.30 "Ҳидоят сари".
13.10 Ўзбек киносининг олтин хазинаси.
14.25 Анонс.
14.40 "Агроолам".
15.00 Миллий сериал. "Бедор туйғулар".
15.40 "Лойиҳадан натижагача".
16.00 "Муқаддас қадамжолар".
16.15 "Беҳаловат ҳимоячилар". Т/с.
17.00 "Ойдин ҳаёт". Ток-шоу.
17.25 "Ҳунар сирлари".
17.45 "Бизнес старт".
18.15 Анонс.
18.30 "Биз учун муҳим". Ток-шоу.
19.30 "Ахборот" /рус./.
20.00 "Қишлоқ ҳаёти".
20.25 "Менинг боғим".
21.00 "Ахборот".
21.30 Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 25 йиллиги.
23.30 – 00.50 Ўзбек киносининг олтин хазинаси.
00.50 Анонс.
01.00 "Ойдин ҳаёт". Ток-шоу.
01.30 "Ассалом, Ўзбекистон!"
03.00 Миллий сериал. "Қалдирғочлар яна қайтади".
03.30 "Муқаддас қадамжолар".
03.50 "Қалтис ҳақиқат". Б/ф.
05.35 – 05.55 "Ҳунар сирлари".

### Ёшлар

06.00 "Ватан меҳри".
06.10 Миллий сериал. "Чархпалак".
07.00 "Бир гап айтайми?"
07.30 "Айвон".
08.00 "Давр".
08.20 "Фан ва ёшлар".
08.40 "Томчидаги нур".
09.00 "Дайжест".
09.10 "Гумбаз остида". Т/с.
10.00 "Давр".
10.10 "What's up?" ток-шоуси.
11.00 "Баркамоллик йўлидан".
11.30 "Бир қадам". В/ф.
12.00 "Давр".
12.10 "Бахт маликаси". Т/с.
13.00 "Дайжест".
13.10 "Афсона ва ҳақиқат".
14.00 "Давр".
14.10 Миллий сериал. "Туташ тақдирлар".
15.00 "Ўзинг, юртинг, юртдошинг учун".
15.30 "Айвон".
16.00 "Давр".
16.10 "Малласоч малика". Б/ф.
17.30 "Обод ҳудудлар".
18.00 "Давр".
18.15 "Фил ва малика". Т/с.
19.00 "Автопатруль".
19.20 "Бахт маликаси". Т/с.
20.00 "Давр".
20.20 "Ёшлар студияси" ток-шоуси.
21.00 Миллий сериал. "Ҳаловат кўчаси".
21.50 "Томчидаги нур".
22.00 "Давр".
22.30 "Мулан". Б/ф.
00.30 "Обод ҳудудлар".
00.50 "Бахт маликаси". Т/с.
01.20 "Мўъжизавий дунё".
02.30 "Ёшлар студияси" ток-шоуси.
03.20 Миллий сериал. "Ҳаловат кўчаси".
04.00 "Давр".
04.30 "Афсона ва ҳақиқат".
05.30 – 6.00 "Айвон".

### Тошкент

05.55 "Ягонасан, муқаддас Ватаним!"
06.00 "Тошкентнома".
06.20 Миллий сериал. "Опа-сингиллар".
07.00 "Тошкент вақти".
10.00 "Сайлов демократия кўзгуси".
10.20 "Виктория". Т/с.
11.00 "Очиқ мулоқот".
12.00 "Пойтахт-спорт".
12.15 Миллий сериал. "Опа-сингиллар".
13.00 "Пойтахт-вазият".
13.15 "Касл". Т/с.
14.00 "Тошкент вақти".
17.00 "Пойтахт-спорт".
17.15 "Кесишмаган нуқта".
18.00 "Poytaxt-reportaj".
18.20 "Обод хонадон".
18.45 "Телемаркет".
19.00 "Сайлов демократия кўзгуси".
19.20 "Касл". Т/с.
20.00 "Очиқ мулоқотдан сўнг".
20.30 "Poytaxt-авто".
20.45 Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 25 йиллигига: "Poytaxt-интервью".
21.05 "Виктория". Т/с. /Премьера/.
21.45 "Телемаркет".
22.00 "Отпуск по обмену". Х/ф.
00.05 "Poytaxt-reportaj".
00.20 "Очиқ мулоқотдан сўнг".
00.50 "Poytaxt-интервью".
01.05 "Тошкентнома".
01.25 "Мен сизга айтсам".
02.10 "Обод хонадон".
02.35 "Poytaxt-авто".
02.50 "Пойтахт-спорт".
03.00 – 05.55 "Тошкент вақти".

### Спорт

06.00 Мадҳия.
06.05 Кўрсатувлар тартиби.
06.10 "Қувноқ стартлар".
06.35 "Шижоат".
07.00 "Sport-online".
07.35 "Старт".
08.00 Спорт янгиликлари.
08.10 "Соғлом турмуш сари".
08.35 Таэквондо WTF. Ўзбекистон чемпионати.
09.40 "Star cup".
10.15 Футбол. Жаҳон чемпионати. U-17. Колумбия – Гана.
11.55 Рақамлар, натижалар, рейтинглар.
12.00 "Sport -online".
12.30 Спорт янгиликлари.
12.40 "Халқ ўйинлари".
12.55 Германия чемпионати шарҳи.
13.25 "Шахмат дурдоналари".
14.00 Новости спорта.
14.10 Футбол. Жаҳон чемпионати. U-17. Янги Зеландия – Туркия.
16.00 "Бизнинг спорт".
16.30 Спорт янгиликлари.
16.40 Футбол. Жаҳон чемпионати. U-17. Ҳиндистон – АҚШ.
18.25 Кўрсатувлар тартиби.
18.30 Новости спорта.
18.45 "Техноспорт".
19.00 "Гол". Тўғридан-тўғри олиб кўрсатилади.
20.05 "Спорт хандаси".
20.15 "Спорт-маркет".
20.30 Спорт янгиликлари.
20.50 Италия чемпионати шарҳи.
21.20 "Topspin".
21.50 Профессионал бокс.
22.40 Баскетбол.
00.00 Мадҳия.
00.05 "Машҳурлар".
00.30 Италия чемпионати шарҳи.
01.00 "Topspin".
01.30 Новости спорта.
01.40 Профессионал бокс.
02.35 Баскетбол.
04.00 "Техноспорт".
04.15 – 06.00 Футбол. Жаҳон чемпионати. U-17. Парагвай – Мали.

### Маҳалла

06.00 "Ватан мадҳи".
06.05 Миллий сериал. "Ўзи уйланмаган совчи".
06.40 Кексалар даврасида: "Шукрона".
07.00 Миллий сериал. "Ҳаёт жилғалари".
07.30 "Ён қўшним – жон қўшним".
08.00 "Меҳригиё". Ток-шоу.
09.00 Миллий сериал. "Жиблажибон".
09.40 "Қонунчиликдаги янгиликлар".
10.00 "Тунги репортаж".
10.30 "Тарбиянинг олтин қоидаси".
11.00 "Қадр топган қадриятлар".
11.30 "Муваффақиятим сирлари".
12.00 "Илҳом мавжлари".
12.30 "Автотелемактаб".
13.00 "Телевизион миниатюра".
13.30 "Репортер".
14.00 "Табаррук анъана".
14.30 "Маҳалла – менинг тақдиримда".
15.00 Миллий сериал. "Она дарё".
15.40 "Халқ билан юзма-юз".
16.10 "Жавондаги жавоҳир".
16.30 "Биламиз-ку, аммо..."
17.00 Миллий сериал. "Орзулар фасли".
17.40 "Атлас жилоси".
17.50 "Маҳалла академияси".
18.30 "Фермер".
19.00 Миллий сериал. "Ҳаёт жилғалари".
19.40 Кексалар даврасида: "Саодатли умр".
20.00 "Жамият ва ҳуқуқ".
20.30 "Одоб дурдоналари".
21.00 "Маҳалладошлар".
21.30 "Под одним небом".
22.00 Миллий сериал. "Жиблажибон".
22.40 "Ноёб институт".
23.00 "Бизнинг студия".
23.30 "Маҳалламиз чавандозлари".
00.00 "Ватан мадҳи".
00.05 Миллий сериал. "Ўзи уйланмаган совчи".
00.40 "Кариси бор уй".
01.00 "Ёшларга иш беринг". Ток-шоу.
02.00 "Тадбиркорлик қонун ҳимоясида".
02.30 "Осуда ҳаёт".
03.00 Миллий сериал. "Она дарё".
03.40 "Бизнес ва тараққиёт".
04.00 "Машварат".
04.30 "Таҳлил ва талқин".
05.00 Миллий сериал. "Орзулар фасли".
05.30 – 06.00 "Қайнона бисотидан".

### Болажон

07.00 "Салом, болажон!"
07.10 "Болажон гимнастикаси".
07.20 "Ширинтой-кичкинтойлар".
07.40 "Мультипанорама".
08.30 "Миттивойлар мусобақаси".
08.45 "Бола бошидан".
09.00 "Мультипанорама".
11.10 "Bravo English".
11.30 "Болалар учун фильм".
12.30 "Рассом болажон".
12.50 "Қувноқ стартлар".
13.10 "Эртаклар оламида".
14.20 "Худойберди бобо меҳмонда".
14.30 "Сирли ўрмонча".
14.50 "Болалар учун фильм".
16.20 "Боғбон болажон".
16.30 "Мультипанорама".
18.00 "Саргузаштлар ороли".
18.30 "Мультипанорама".
19.10 "Топағон болажон".
19.30 "Мультипанорама".
20.10 "Болажонлар саҳнаси".
20.30 "Мультипанорама".
21.50 – 22.00 "Хайрли тун".

### Кинотеатр

06.00 "Юрт мадҳи".
06.05 "Отасининг қизи". Б/ф.
07.20 Миллий кино. "Садоқат".
08.35 Саргузаштлар экрани. "Жондан кечиб".
10.10 "Келин". Т/с.
10.55 "Сенга ошиқман". Т/с.
12.20 Жаҳон киноси. "Лобо афсонаси".
13.30 Севимли сериал. "Ишқ эртаги".
14.30 Қадрдон кино. "Изтопар".
15.55 Болалар экрани. "Қуёнларнинг қафаси".
17.20 Мировое кино. "Зов предков". Х/ф. Премьера.
18.50 "Шифокор қисмати". Т/с.
20.00 "Сенга ошиқман". Т/с.
21.30 "Келин". Т/с.
22.15 Жаҳон киноси. "Рокки Бальбоа".
00.00 "Юрт мадҳи".
00.05 "Багряное поле". Х/ф.
01.55 "Ёлғончи ошиқ". Б/ф.
03.40 – 06.00 "Самурайнинг сўнгги қиличи". Б/ф.

## ЖУМА, 8

### Ўзбекистон

06.00 "Ассалом, Ўзбекистон!"
07.30 "Ойдин ҳаёт". Ток-шоу.
08.00 "Ахборот".
08.35 "Қишлоқ ҳаёти".
09.00 1. "Наўпир". 2. "Чинсэн".
09.30 "Муқаддас қадамжолар".
09.45 Анонс.
10.00 Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 25 йиллиги.
12.00 "Ассалом, Ўзбекистон!"
13.00 Анонс.
13.10 Ўзбек киносининг олтин хазинаси.
14.30 "Биз учун муҳим". Ток-шоу.
15.30 Миллий сериал. "Бедор туйғулар".
16.10 "2017 йил – Халқ билан мулоқот ва инсон манфаатлари йили". "Олий қадрият".
16.30 Анонс.
16.40 "Суҳбатдош".
17.00 "Ойдин ҳаёт". Ток-шоу.
17.25 "Заковат".
18.25 Анонс.
18.30 "Муносабат". Ток-шоу (Тўғридан – тўғри эфир).
19.30 "Ахборот". /рус./.
20.00 "Ҳидоят сари".
20.30 "Шарҳ".
21.00 "Ахборот".
21.30 "Кўнгил ободлиги".
22.10 – 23.25 Ўзбек киносининг олтин хазинаси.
23.25 "Заковат".
00.25 Анонс.
00.30 Миллий сериал. "Фидойилар".
01.00 "Ойдин ҳаёт". Ток-шоу.
01.30 "Ассалом, Ўзбекистон!"
03.00 Миллий сериал. "Қалдирғочлар яна қайтади".
03.30 1. "Наўпир". 2. "Чинсэн".
04.00 "Аслида ким овсар?" Б/ф.
05.25 – 05.55 "Кўнгил ободлиги".

### Ёшлар

06.00 "Ватан меҳри".
06.10 Миллий сериал. "Чархпалак".
07.00 "Бир гап айтайми?".
07.30 "Айвон".
08.00 "Давр".
08.20 "Ош бўлсин".
08.50 "Томчидаги нур".
09.00 "Дайжест".
09.10 "Гумбаз остида". Т/с.
10.00 "Давр".
10.10 "Ёшлар студияси" ток-шоуси.
11.00 "Либослар жилоси".
11.30 "Оҳангларда яшайман ҳамон".
12.00 "Давр".
12.10 "Йўлбошчи". Б/ф.
13.40 "Дайжест".
14.00 "Давр".
14.10 Миллий сериал. "Туташ тақдирлар".
15.00 "Ўзинг, юртинг, юртдошинг учун".
15.30 "Айвон".
16.00 "Давр".
16.10 "Умид". Б/ф.
17.30 "General English".
18.00 "Давр".
18.15 "Фил ва малика". Т/с.
19.00 "Давр мавзуси".
19.20 "Бахт маликаси". Т/с.
20.00 "Давр".
20.20 "Start up Club" ток-шоуси.
21.00 Миллий сериал. "Ҳаловат кўчаси".
21.50 "Томчидаги нур".
22.00 "Давр".
22.30 "Биринчи рицарь". Б/ф.
00.30 "Давр мавзуси".
00.50 "Бахт маликаси". Т/с.
01.20 "Мўъжизавий дунё".
02.30 "Start up Club" ток-шоуси.
03.20 Миллий сериал. "Ҳаловат кўчаси".
04.00 "Давр".
04.30 "Афсона ва ҳақиқат".
05.30 – 06.00 "Айвон".

### Тошкент

05.55 "Ягонасан, муқаддас Ватаним!"
06.00 "Тошкентнома".
06.20 Миллий сериал. "Опа-сингиллар".
07.00 "Тошкент вақти".
10.00 "Сайлов демократия кўзгуси".
10.20 "Виктория". Т/с.
11.00 "Пойтахт-спорт".
11.15 "Очиқ мулоқотдан сўнг".
11.45 "Мобиль камера".
12.00 Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 25 йиллигига: "Poytaxt-интервью".
12.15 Миллий сериал. "Опа-сингиллар".
13.00 "Poytaxt-авто".
13.15 "Касл". Т/с.
14.00 "Тошкент вақти".
17.00 "Пойтахт-спорт".
17.15 "Телетаҳлил".
17.45 "Пойтахт-Hi-tech" (рус.).
18.00 "Турфа тақдирлар".
18.30 "Халқ билан юзма-юз".
18.45 "Телемаркет".
19.00 "Сайлов демократия кўзгуси".
19.20 "Касл". Т/с.
20.00 "Пойтахт йўлларида".
20.30 "Пойтахт-авто" (рус.).
20.45 Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 25 йиллигига: "Poytaxt-reportaj".
21.05 "Виктория". Т/с. /Премьера/.
21.45 "Телемаркет".
22.00 "Қасамёд". Б/ф.
23.10 "Турфа тақдирлар".
23.45 Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 25 йиллигига: "Poytaxt-reportaj".
00.05 "Пойтахт йўлларида".
00.35 "Пойтахт-авто" (рус.).
00.50 "Мобильная камера".
01.05 "Тошкентнома".
01.25 "Халқ билан юзма-юз".
01.45 "Телетаҳлил".
02.20 "Кўнгил ҳайратлари".
02.50 "Пойтахт-спорт".
03.00 – 05.55 "Тошкент вақти".

### Спорт

06.00 Мадҳия.
06.05 Кўрсатувлар тартиби.
06.10 "Қувноқ стартлар".
06.35 "Topspin".
07.00 "Sport-online".
07.35 "Жозиба".
08.00 Спорт янгиликлари.
08.10 "Поколение XXI".
08.30 Таэквондо WTF. Ўзбекистон чемпионати.
09.20 "Халқ ўйинлари".
09.30 "Бизнинг спорт".
10.00 Футбол. Жаҳон чемпионати. U-17. Германия – Коста Рика.
11.50 Рақамлар, натижалар, рейтинглар.
12.00 "Sport-online".
12.30 Спорт янгиликлари.
12.40 Италия чемпионати шарҳи.
13.05 Профессионал бокс.
14.00 Новости спорта.
14.10 Футбол. Жаҳон чемпионати. U-17. Бразилия – Испания.
16.05 "Шахмат дурдоналари".
16.30 Спорт янгиликлари.
16.40 Футбол. Жаҳон чемпионати. U-17. Эрон – Гвинея.
18.25 Кўрсатувлар тартиби.
18.30 Новости спорта.
18.45 "Ифтихоримсан, спорт!"
19.05 "Ёшлар спорти".
19.30 "Эътироф".
19.45 "Star CUP".
20.15 "Спорт-маркет".
20.30 Спорт янгиликлари.
20.50 "Шедевр".
21.20 Баскетбол.
22.45 "Техноспорт".
23.00 Баҳодирлар ўйинлари. Жаҳон Кубоги.
23.50 Мадҳия.
23.55 "Шедевр".
00.25 Футбол. Германия чемпионати. "Штутгарт" – "Байер". Тўғридан-тўғри. олиб кўрсатилади.
02.30 Новости спорта.
02.40 Баскетбол.
04.05 "Эътироф".
04.15 – 06.00 Футбол. Германия чемпионати. "Штутгарт" – "Байер".

### Маҳалла

06.00 "Ватан мадҳи".
06.05 Миллий сериал. "Ўзи уйланмаган совчи".
06.40 Кексалар даврасида: "Саодатли умр".
07.00 Миллий сериал. "Ҳаёт жилғалари".
07.30 "Маҳалламиз чавандозлари".
08.00 "Под одним небом".
08.30 "Step by step".
09.00 Миллий сериал. "Жиблажибон".
09.40 "Маҳалладошлар".
10.10 "Фермер".
10.40 "Атлас жилоси".
10.50 "Жамият ва ҳуқуқ".
11.20 "Оталар сўзи – ақлнинг кўзи".
12.30 "Хива мўъжизаси".
13.00 "Ёшларга иш беринг". Ток-шоу.
14.00 "Одоб дурдоналари".
14.30 "Тадбиркорлик қонун ҳимоясида".
15.00 Миллий сериал. "Она дарё".
15.40 "Тарбиянинг олтин қоидаси".
16.10 "Меҳригиё". Ток-шоу.
17.00 Миллий сериал. "Орзулар фасли".
17.40 "Тунги репортаж".
18.10 "Бизнес ва тараққиёт".
18.30 "Автотелемактаб".
19.00 Миллий сериал. "Ҳаёт жилғалари".
19.30 Кексалар даврасида: "Қайнона бисотидан".
20.00 "Маҳалла менинг –. тақдиримда".
20.30 "Машварат".
21.00 "Таҳлил ва талқин".
21.30 "Томорқам – хазинам".
22.00 Миллий сериал. "Жиблажибон".
22.40 "Қадр топган қадриятлар".
23.00 "Муваффақиятим сирлари".
23.30 "Илҳом мавжлари".
00.00 "Ватан мадҳи".
00.05 Миллий сериал. "Ўзи уйланмаган совчи".
00.40 "Табаррук анъана".
01.00 "Шукрона".
01.30 "Жавондаги жавоҳир".
02.00 "Биламиз-ку, аммо".
02.30 "Меҳнат ҳуқуқи".
03.00 Миллий сериал. "Она дарё".
03.40 "Ноёб институт".
04.00 "Кўнгилдаги гаплар". Ток-шоу.
05.00 Миллий сериал. "Орзулар фасли".
05.30 – 06.00 "Аждодлар хазинаси".

### Болажон

07.00 "Салом, болажон!"
07.10 "Болажон гимнастикаси".
07.20 "Ширинтой-кичкинтойлар".
07.40 "Мультипанорама".
08.30 "Миттивойлар мусобақаси".
08.45 "Худойберди бобо меҳмонда".
09.00 "Мультипанорама".
10.10 "Рассом болажон".
10.30 "Мультипанорама".
11.10 "Bravo English".
11.30 "Болалар учун фильм".
13.00 "Фламинго".
13.10 "Сирли ўрмонча".
13.30 "Эртаклар оламида".
15.00 "Боғбон болажон".
15.10 "Болалар учун фильм".
16.10 "Қувноқ стартлар".
16.30 "Мультипанорама".
18.00 "Саргузаштлар ороли".
18.30 "Мультипанорама".
19.10 "Топағон болажон".
19.30 "Мультипанорама".
20.10 "Болажонлар саҳнаси".
20.30 "Мультипанорама".
21.50 – 22.00 "Хайрли тун".

### Кинотеатр

06.00 "Юрт мадҳи".
06.05 "Ҳақиқат куни". Б/ф.
07.25 Миллий кино. "Мен юлдузман".
08.45 Миллий кино. "Бурч ва муҳаббат".
10.10 Миллий кино. "Буюк Амир Темур".
12.15 Миллий театр. "Кўнгил". Спектакль.
13.45 Миллий кино. "Пойқадам".
15.10 Миллий кино. "Гўзаллик сири".
16.35 Миллий кино. "Қўрғон".
18.05 Миллий кино. "Лафзи ҳалоллар".
19.15 Миллий кино. "Армонли дунё".
21.00 Миллий кино. "Ватан".
22.30 Миллий кино. "Катта ҳовли".
00.00 "Юрт мадҳи".
00.05 "Хранитель времени". Х/ф.
02.15 "Байрам куни". Б/ф.
03.35 – 06.00 "Елғиз кабутар". Б/ф.

## ШАНБА, 9

### Ўзбекистон

06.00 "Ассалом, Ўзбекистон!"
07.30 "Ҳидоят сари".
08.00 "Ахборот".
08.30 "Қундуз". Б/ф.
10.00 "Муносабат". Ток-шоу.
11.00 "Ассалом, Ўзбекистон!"
12.30 "Бизнес старт".
13.00 Анонс.
13.10 Ўзбек киносининг олтин хазинаси.
14.25 "Бугуннинг мавзуси".
15.00 Миллий сериал. "Бедор туйғулар".
15.40 "Устурлоб".
16.00 "Уддабурон ҳимоячи". Б/ф.
18.00 "Ҳаёт тилсими".
18.15 "Ота". Теленовелла.
18.40 "Кўрганларимиз ҳақида".
19.05 Анонс.
19.15 "Кунларнинг бирида..."
19.30 "Ахборот" /рус./.
20.00 "Учбурчак". Ток-шоу.
21.00 "Ахборот".
21.30 "Мўъжизалар макони".
22.10 – 23.10 Ўзбек театрининг олтин хазинаси.
23.10 "Билимдон". Интеллектуал танлов.
00.10 "Кўрганларимиз ҳақида".
00.40 "Шаҳарлик куёв". Теленовелла.
01.30 "Ассалом, Ўзбекистон!"
03.00 "Ғурур ва андиша". Б/ф.
04.50 "Имконият".
05.10 Анонс.
05.25 – 05.55 "Мўъжизалар макони".

### Ёшлар

06.00 "Ватан меҳри".
06.10 Миллий сериал. "Чархпалак".
07.00 "Соғлом ҳаёт".
07.30 "Айвон".
08.00 "Давр".
08.20 "Сичқонови". Б/ф.
10.00 "Давр".
10.10 "Start up Club" ток-шоуси.
11.00 "General English".
11.30 "13-студия".
12.00 "Давр".
12.10 "Бахт маликаси". Т/с.
13.00 "Дайжест".
13.20 "Бир гап айтайми?".
14.00 "Давр".
14.10 "Изқувар". Б/ф.
15.30 "Айвон".
16.00 "Давр".
16.10 "Ўйиндан ўт чиқди". Б/ф.
18.00 "Давр".
18.20 "Чаққон шоу".
19.00 "Давр-репортаж".
19.20 "Бахт маликаси". Т/с.
20.00 "Давр".
20.20 "Ёшлар пресс-клуби".
21.10 "Альбом".
21.50 "Томчидаги нур".
22.00 "Давр".
22.30 "Тўфон". Б/ф.
00.20 "Альбом".
00.50 "Бахт маликаси". Т/с.
01.20 "Ёшлар пресс-клуби".
02.10 "Мўъжизавий дунё".
04.00 "Давр".
04.30 "Афсона ва ҳақиқат".
05.30 – 06.00 "Айвон".

### Тошкент

05.55 "Ягонасан, муқаддас Ватаним!"
06.00 "Тошкентнома".
06.20 Миллий сериал. "Опа-сингиллар".
07.00 "Тошкент вақти".
10.00 "Сайлов демократия кўзгуси".
10.20 "Виктория". Т/с.
11.00 "Poytaxt-Hi-tech".
11.15 "Пойтахт йўлларида".
11.45 "Пойтахт-авто" (рус.).
12.00 "Мобильная камера" (рус.).
12.15 Миллий сериал. "Опа-сингиллар".
13.00 "Халқ билан юзма-юз".
13.15 "Касл". Т/с.
14.00 "Тошкент вақти".
17.00 "Дунёдан дараклар".
17.15 "Энг ширин шоу".
18.00 "Вақт топиб".
18.30 "Пойтахт- вазият".
18.45 "Телемаркет".
19.00 "Poytaxt-reportaj".
19.20 "Нимкоса".
19.40 "Санамжон".
20.30 "Ўзгача услуб".
20.50 "Кесишмаган нуқта".
21.45 "Телемаркет".
22.00 "Белый плен". Х/ф.
00.05 "Пойтахт- репортаж" (рус.).
00.20 "Санамжон".
01.05 "Тошкентнома".
01.25 "Кесишмаган нуқта".
02.15 "Poytaxt-reportaj".
02.30 "Пойтахт-вазият".
02.50 "Дунёдан дараклар".
03.00 – 05.55 "Тошкент вақти".

### Спорт

06.00 Мадҳия.
06.05 Кўрсатувлар тартиби.
06.10 "Ёшлар спорти".
06.35 Баскетбол.
08.00 Спорт янгиликлари.
08.10 "Қувноқ стартлар".
08.35 Таэквондо. WTF. Ўзбекистон чемпионати.
09.40 "Ифтихоримсан, спорт!".
10.00 Футбол. Жаҳон чемпионати. U-17. КХДР – Нигерия.
11.50 Рақамлар, натижалар, рейтинглар.
12.00 "Шахмат дурдоналари".
12.25 "Техноспорт".
12.35 "Соғлом турмуш сари".
13.00 "Спорт вақти". Тўғридан-тўғри олиб кўрсатилади.
13.35 "Star CUP".
14.10 Футбол. Жаҳон чемпионати. U-17. Чили – Англия.
15.55 "Эътироф".
16.10 "Topspin".
16.40 Футбол. Жаҳон чемпионати. U-17. Янги Каледония – Франция.
18.25 "Спорт вақти". Тўғридан-тўғри олиб кўрсатилади.
18.55 Кўрсатувлар тартиби.
19.00 "Шедевр".
19.30 "Омад Лото". Тўғридан-тўғри олиб кўрсатилади.
19.45 "Поколение XXI".
20.05 "Спорт хандаси".
20.15 "Спорт-маркет".
20.30 "Машҳурлар".
20.50 Футбол. Франция чемпионати "ПСЖ" – "Лилл". Тўғридан-тўғри олиб кўрсатилади.
22.55 Баҳодирлар ўйинлари. Жаҳон Кубоги.
00.00 Мадҳия.
00.05 "Эътироф".
00.15 "Машҳурлар".
00.40 Футбол. Италия чемпионати. "Ювентус" – "Интер". Тўғридан-тўғри олиб кўрсатилади.
02.40 Баскетбол.
04.05 "Техноспорт".
04.15 – 06.00 Футбол. Франция чемпионати "ПСЖ" – "Лилл".

### Маҳалла

06.00 "Ватан мадҳи".
06.05 Миллий сериал. "Ҳаёт жилғалари".
06.40 Кексалар даврасида: "Қайнона бисотидан".
07.00 "Хуш кайфият".
08.00 Миллий сериал. "Жиблажибон".
08.40 "Автотелемактаб".
09.00 "Телевизион миниатюра".
09.30 "Томорқам – хазинам".
10.00 "Совға". Теленовелла.
10.40 "Табаррук анъана".
11.10 "Интеллектуал ринг". Телемусобақа.
12.00 "Хива мўъжизаси".
12.30 "Тадбиркор бўлмоқчиман".
13.00 "Хуш кайфият".
14.00 "Орол бобо". Спектакль.
15.30 "Маҳалла менинг – тақдиримда".
16.00 "Под одним небом".
16.30 Миллий сериал. "Жиблажибон".
18.20 "Ноёб институт".
18.40 "Илм қудрати".
19.00 "Қишлоқ қўйнидаги бахт".
19.30 "Бизнинг студия".
20.00 "Кўнгилдаги гаплар". Ток-шоу.
21.00 "Хуш кайфият".
22.00 "Аждодлар хазинаси".
22.30 "Қариси бор уй".
23.00 "Бир осмон остида".
23.30 "Маҳалламиз маликаси".
00.00 "Ватан мадҳи".
00.05 "Совға". Теленовелла.
00.50 "Қадр топган қадриятлар".
01.10 "Маҳалладошлар".
01.40 "Муваффақиятим сирлари".
02.00 "Орол бобо". Спектакль.
03.30 "Одоб дурдоналари".
04.00 "Мутолаа завқи".
04.20 – 06.00 Миллий сериал. "Жиблажибон".

### Болажон

07.00 "Салом, болажон!"
07.10 "Болажон гимнастикаси".
07.20 "Ширинтой-кичкинтойлар".
07.30 "Мультипанорама".
08.40 "Фламинго".
08.50 "Болажон устахонаси".
09.00 "Эртаклар оламида".
10.10 "Рассом болажон".
10.30 "Мультипанорама".
11.50 "Боғбон болажон".
12.00 "Саёҳатчи болажон".
12.10 "Мультипанорама".
13.50 "Қувноқ стартлар".
14.10 "Мультипанорама".
15.40 "Баджаҳл қуён".
16.30 "Мультипанорама".
18.00 "Story time".
18.30 "Мультипанорама".
20.00 "Топағон болажон".
20.20 "Болалар учун фильм".
21.50 – 22.00 "Хайрли тун".

### Кинотеатр

06.00 "Юрт мадҳи".
06.05 Миллий кино. "Садоқат".
07.15 Миллий кино. "Бахт ортидан".
08.40 Жаҳон киноси. "Шерюрак". Б/ф. 1-қисм.
10.10 "Келин". Т/с.
10.50 "Сенга ошиқман". Т/с.
12.15 Жаҳон киноси. "Лавинг". Б/ф. 1-қисм.
13.15 Севимли сериал. "Ишқ эртаги".
14.20 Қардошлар киноси. "Чилангар Кова".
15.50 Болалар экрани. "Шер боласи".
17.15 Мировое кино. "И дождь смывает все следы". Х/ф. Премьера.
18.50 "Шифокор қисмати". Т/с.
20.00 "Сенга ошиқман". Т/с.
21.30 "Келин". Т/с.
22.10 Жаҳон киноси. "Қочиш режаси".
00.00 "Юрт мадҳи".
00.05 "Пит и его дракон". Х/ф.
01.45 "Қорли чўққилар". Б/ф.
03.20 – 06.00 "Улкан орзулар". Б/ф.

## ЯКШАНБА, 10

### Ўзбекистон

06.00 "Ассалом, Ўзбекистон!"
07.30 "Қишлоқ ҳаёти".
07.50 Анонс.
08.00 "Ахборот".
08.30 "Айғоқчилар кўприги". Б/ф.
10.55 Анонс.
11.00 "Ассалом, Ўзбекистон!"
12.30 "Қувноқ хотиралар".
12.45 "Кунларнинг бирида..."
13.00 Анонс.
13.10 Ўзбек театрининг олтин хазинаси.
14.10 "Кўрганларимиз ҳақида".
14.40 "Ота". Теленовелла.
15.05 "Учбурчак". Ток-шоу.
15.55 Анонс.
16.00 "Транссибир тезюрари". Б/ф. Премьера.
17.50 "Менинг боғим".
18.10 "Кўнгил ободлиги".
18.40 "Ўзингни англа". Ток-шоу.
19.30 "Таҳлилнома". /рус./.
20.10 "Шарҳ+".
21.00 "Таҳлилнома".
21.40 "Заковат".
22.25 – 23.25 Ўзбек театрининг олтин хазинаси.
23.25 "Ўзингни англа". Ток-шоу.
00.15 "Қишлоқ ҳаёти".
00.35 "Қувноқ хотиралар".
00.50 "Кунларнинг бирида..."
01.10 "Менинг боғим".
01.30 "Ассалом, Ўзбекистон!"
03.00 "Тоғ ҳайқириғи". Б/ф.
04.40 "Кўнгил ободлиги".
05.10 – 05.55 "Заковат".

### Ёшлар

06.00 "Ватан меҳри".
06.10 "Ҳикоя".
06.30 "Соғлом ҳаёт".
07.00 "Давр".
07.30 "Айвон".
08.00 "Келганда келин". Б/ф.
10.00 "Ватанпарвар".
10.40 "Бир гап айтайми?".
11.20 "Жаноб Поппер". Б/ф.
13.00 "Дайжест".
13.20 "Қалпоқ".
14.00 "Изқувар-2". Б/ф.
15.30 "Айвон".
16.00 "Тақдиринг қўлингда". В/ф.
17.00 "Фонограмма ҳақида".
17.40 "Кўнгил риштаси". Б/ф.
19.20 "Чаққон шоу".
20.00 "Давр" ҳафта ичида".
20.30 "Икки эшик ораси".
21.30 "Гладиатор". Б/ф.
00.10 "Давр" ҳафта ичида".
00.40 – 01.00 "Томчидаги нур".
Қадрли телетомошабинлар! Аналог русумидаги телеузатгичларда режага мувофиқ профилактика ишлари олиб борилиши муносабати билан 01.00 дан 06.00 га қадар "Yoshlar" телеканали дастурларини фақат рақамли телевидение тармоқлари орқали узлуксиз томоша қилишингиз мумкин.
01.00 "Икки эшик ораси".
02.00 "Мўъжизавий дунё".
03.40 "Автопатруль".
04.00 "Давр".
04.30 "Афсона ва ҳақиқат".
05.30 – 06.00 "Айвон".

### Тошкент

05.55 "Ягонасан, муқаддас Ватаним!"
06.00 "Тошкентнома".
06.20 Миллий сериал. "Опа-сингиллар".
07.00 "Тошкент вақти".
10.00 "Пойтахт-репортаж" (рус.).
10.20 "Виктория". Т/с.
13.00 "Пойтахт-вазият".
13.15 "Санамжон".
14.00 "Ўзгача услуб".
14.30 "Мобил камера".
14.45 "Вақт топиб".
15.15 "Пойтахт-культура".
15.30 "Касл". Т/с.
18.30 "Пойтахт на пульсе".
18.45 "Телемаркет".
19.00 "Poytaxt-madaniyat".
19.20 "Рангли телевизор".
20.00 "Китобхон".
20.50 "Энг ширин шоу".
21.45 "Телемаркет".
22.00 "Кинотақдим".
22.30 "Джентельмены удачи". Х/ф.
23.50 "Мобильная камера" (рус.).
00.05 "Пойтахт на пульсе".
00.25 "Рангли телевизор".
01.05 "Тошкентнома".
01.20 "Китобхон".
02.05 "Poytaxt-madaniyat".
02.20 "Энг ширин шоу".
03.00 – 05.55 "Тошкент вақти".

### Спорт

06.00 Мадҳия.
06.05 Кўрсатувлар тартиби.
06.10 "Спорт сабоқлари".
06.35 Баскетбол.
08.00 "Спорт хандаси".
08.10 "Қувноқ стартлар".
08.35 Таэквондо WTF. Ўзбекистон чемпионати.
09.30 "Спорт хандаси".
09.40 "Соғломжон – полвонжон".
10.05 Футбол. Италия чемпионати. "Ювентус" – "Интер".
11.55 "Бизнинг спорт".
12.20 "Халқ ўйинлари".
12.35 "Болалар спорти".
12.55 Рақамлар, натижалар, рейтинглар.
13.00 "Спорт вақти". Тўғридан-тўғри олиб кўрсатилади.
13.25 Футбол. Германия чемпионати.
15.15 "Мўъжизалар кемаси".
15.40 "Поколение XXI".
16.00 "Спорт вақти". Тўғридан-тўғри олиб кўрсатилади.
16.20 Футбол. Италия чемпионати. "Кьево" – "Рома". Тўғридан-тўғри олиб кўрсатилади.
18.20 Кўрсатувлар тартиби.
18.25 "Автограф судьбы".
18.50 Футбол. Италия чемпионати. "Наполи" – "Фиорентина". Танаффусда "Спорт-маркет". Тўғридан-тўғри олиб кўрсатилади.
20.50 "Спорт вақти". Тўғридан-тўғри олиб кўрсатилади.
21.20 "Юлдузли оқшом".
21.55 "Машҳурлар".
22.25 Футбол. Франция чемпионати. "Монако" – "Труа".
00.20 Мадҳия.
00.25 "Эътироф".
00.40 Футбол. Италия чемпионати. "Милан" – "Болонья". Тўғридан-тўғри олиб кўрсатилади.
02.40 Баскетбол.
04.05 "Техносопрт".
04.15 – 06.00 Футбол. Италия чемпионати. "Наполи" – "Фиорентина".

### Маҳалла

06.00 "Ватан мадҳи".
06.05 "Шукрона".
06.30 "Илм қудрати".
07.00 "Хуш кайфият".
08.00 "Бизнинг студия".
08.30 "Қишлоқ қўйнидаги бахт".
09.00 "Кўнгилдаги гаплар". Ток-шоу.
10.00 "Оталар сўзи – ақлнинг кўзи".
11.00 "Ён қўшним-жон қўшним".
11.30 "Маҳалламиз чавандозлари".
12.00 "Гаров". Теленовелла.
13.00 "Хуш кайфият".
14.00 "Тақдир синовлари". Спектакль.
15.50 "Меҳригиё". Ток-шоу.
16.30 Миллий сериал. "Жиблажибон".
17.40 "Қариси бор уй".
18.00 "Бир осмон остида".
18.30 "Илҳом мавжлари".
19.00 "Муваффақиятим сирлари".
19.20 "Маҳалламиз маликаси".
20.00 "Интеллектуал ринг". Телемусобақа.
21.00 "Хуш кайфият".
22.00 "Под одним небом".
22.30 "Сўнмас юлдузлар".
23.00 "Томорқам – хазинам".
23.30 "Маҳалла – менинг тақдиримда".
00.00 "Ватан мадҳи".
00.05 "Гаров". Теленовелла.
01.10 "Аслидек асрайлик".
01.30 "Табаррук анъана".
02.00 "Тақдир синовлари". Спектакль.
03.50 "Саодатли умр".
04.10 "Маҳалла академияси".
04.50 – 06.00 Миллий сериал. "Жиблажибон".

### Болажон

07.00 "Салом, болажон!"
07.10 "Болажон гимнастикаси".
07.20 "Қўғирчоқлар театри".
08.00 "Мультипанорама".
08.50 "Фламинго".
09.10 "Мультипанорама".
10.30 "Рассом болажон".
10.50 "Мультипанорама".
12.10 "Қувноқ стартлар".
12.30 "Мультипанорама".
14.00 "Боғбон болажон".
14.10 "Қағилдоқ".
15.00 "Қўшиғим, жон қўшиғим".
15.30 "Болалар учун фильм".
16.50 "Топағон болажон".
17.10 "Эртаклар оламида".
20.00 "Саргузаштлар ороли".
20.30 "Болалар учун фильм".
21.50 – 22.00 "Хайрли тун".

### Кинотеатр

06.00 "Юрт мадҳи".
06.05 "Французча ажралиш". Б/ф.
07.20 Миллий кино. "Ўзимдан ўзимгача".
08.50 Жаҳон киноси. "Шерюрак". Б/ф. 2-қисм.
10.15 "Келин". Т/с.
10.55 "Сенга ошиқман". Т/с.
12.20 Жаҳон киноси. "Лавинг". Б/ф. 2-қисм.
13.20 Севимли сериал. "Ишқ эртаги". Т/с.
14.35 Болливуд туҳфаси. "Дунё".
17.05 Мировое кино. "Чудо-женщина". Х/ф. Премьера.
19.25 Миллий кино. "Ўгай она".
21.20 Жаҳон киноси. "Интиқом жанги".
23.15 Мўъжаз фильм. "Этикдўз ва ит".
00.00 "Юрт мадҳи".
00.05 "Скрытые фигуры". Х/ф.
02.10 "Ошиқ қароқчи". Б/ф.
03.45 – 06.00 "Мад". Б/ф.

**ЎЗГИДРОМЕТ**
**ХАБАР ҚИЛАДИ**

*Тошкент шаҳрида **5 декабрь** куни ҳаво ўзгариб туради, қисқа муддатли қор ёғади, туман тушиши эҳтимоли бор. Шимолдан шарққа томон секундига 3-8 метр тезликда шамол эсади. Ҳарорат кечаси— 5-7 даража совуқ, кундузи – 0-2 даража совуқ бўлади.*

*Ўзгидрометнинг мониторинг хизмати маълумотига кўра, **5 декабрда** Тошкент шаҳрининг об-ҳаво шароити шаҳар ҳаво муҳитида зарарли моддаларнинг бир оз тарқалиб кетишига имконият яратади, ифлосланиш даражаси паст бўлади.*

**Тошкент оқшоми**
Манзилимиз: 100029, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32
ТЕЛЕФОНЛАР: Эълонлар: (0-371) 233-28-95. факс: (0-371) 233-29-55
2007 йил 19 январда Тошкент шаҳар Матбуот ва ахборот бошқармасида 02-1-рақам билан рўйхатга олинган
Нашрни етказиб бериш масалалари бўйича турар жойлардаги почта бўлимларига ёки «Тошкент почтамти»га — 233-74-05 телефонига мурожаат қилишингиз мумкин.
Газета таҳририят компьютер марказида терилди ва саҳифаланди.
МУАССИС: ТОШКЕНТ ШАҲАР ҲОКИМЛИГИ
Бизнинг электрон манзил: gazeta-vto@umail.uz
Буюртма Г- 1235
Душанба, сешанба, чоршанба, пайшанба ва жума кунлари чиқади
Нашр кўрсаткичи — 563
Ҳажми — 2 босма табоқ, офсет усулида босилади. 4003 нусхада босилди. Қоғоз бичими А-2
Топшириш вақти: 13.00
Нашр учун масъул О. Ҳазратов
Босишга топширилди: 16.20
«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: Буюк Турон кўчаси, 41-уй
Бош муҳаррир Акмал АКРОМОВ
1 2 3 4 5